

Ўзбекистон Республикасининг Қ О Н У Н И

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги тақдимномаларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

тўртинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **олтинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **43-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «д¹» банд билан тўлдирилсин:

«д¹) озодликни чеклаш»;

2) **44-модда учинчи қисмининг: биринчи жумласи** «қамок» деган сўздан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи жумласидаги «ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд» деган сўзлар «хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **46-модданинг тўртинчи қисми** «шу муддатга» деган сўзлардан кейин «озодликни чеклаш ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **48¹-модда** билан тўлдирилсин:

«48¹-модда. Озодликни чеклаш

Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир

этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

муайян жойларга бормаслик;
оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

муайян фаолият билан шуғулланмаслик;

муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

транспорт воситасини бошқармаслик;

маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;
алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгары тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодликни чеклаш ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди»;

5) **50-модданинг олтинчи қисмидаги** «тўртдан уч» деган сўзлар «учдан икки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **61-модда: биринчи қисмининг «а» банди** «қамок» деган сўздан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми «қамок» деган сўздан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **62-модда биринчи қисмининг «а» банди** «қамок» деган сўздан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **63-модданинг матни** «қамок» деган сўздан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **73-модданинг биринчи қисми** «хизмат бўйича чеклаш» деган сўзлардан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **74-модданинг: биринчи қисми** «Озодликдан маҳрум этилган» деган сўзлардан кейин

«озодлиги чекланган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади»;

11) **78-модданинг «г» банди** «қамок» деган сўздан кейин «ёки озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **81-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «в¹» банд билан тўлдирилсин:

«в¹) озодликни чеклаш»;

13) қуйидаги мазмундаги **84¹-модда** билан тўлдирилсин:

«84¹-модда. Озодликни чеклаш

Озодликни чеклаш вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланади»;

14) **89-модданинг биринчи қисми** «озодликдан маҳрум қилишга» деган сўзлардан кейин «озодликни чеклашга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **90-модданинг:**

биринчи қисми «озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлардан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади»;

16) **98-модданинг, 156-модда иккинчи қисмининг, 176-модда биринчи қисмининг, 207-модда учинчи қисмининг, 230, 231-моддалар биринчи қисмларининг, 257, 258, 259 ва 262-моддалар иккинчи қисмларининг санкцияларидаги** «беш йилгача» деган сўзлар «икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **99, 120-моддаларнинг, 130¹-модда иккинчи қисмининг, 139-модда учинчи қисмининг, 163, 251¹-моддалар биринчи қисмларининг ва 277-модда иккинчи қисмининг санкцияларидаги** «уч йилгача» деган сўзлар «бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **100, 101-моддаларнинг, 102, 105-моддалар биринчи қисмларининг, 112-модда учинчи қисмининг, 122-модда иккинчи қисмининг, 235-модда биринчи қисмининг ва 238-модда иккинчи қисмининг санкциялари** «ёки» деган сўздан кейин «бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

19) **103-модда биринчи қисмининг, 110-модда иккинчи қисмининг, 114-модда учинчи қисмининг, 129-модда иккинчи қисмининг, 188-модда учинчи қисмининг, 247 ва 251-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «ишлари ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **104-модда биринчи қисмининг, 105-модда иккинчи қисмининг, 113, 117-моддалар учинчи қисмларининг, 128-модда иккинчи қисмининг, 130-модда учинчи қисмининг, 135, 137-моддалар биринчи қисмларининг, 138, 154¹-моддалар иккинчи қисмларининг, 162-модда биринчи қисмининг, 163-модда иккинчи қисмининг, 165-модда биринчи қисмининг, 173, 213, 225-моддалар учинчи қисмларининг, 235-модда иккинчи қисмининг, 238-модда учинчи қисмининг, 250, 251¹, 253-моддалар иккинчи қисмларининг, 256-модда учинчи қисмининг, 267-модда биринчи қисмининг, 269, 276-моддалар иккинчи қисмларининг ва 277-модда учинчи қисмининг санкциялари** «уч йилдан» деган сўзлардан олдин «уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) **106-модданинг, 110-модда биринчи қисмининг, 113, 117-моддалар иккинчи қисмларининг, 127, 128-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «қамок» деган сўздан кейин, **136-модданинг санкцияси** «қамок билан» деган сўзлардан кейин, **141-модда иккинчи қисмининг, 146-модданинг, 169-модда биринчи қисмининг, 171-модда иккинчи қисмининг, 193-модданинг санкциялари** «қамок» деган сўздан кейин, **194, 195, 196-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** «маҳрум қилиб» деган сўзлардан кейин, **198-модда иккинчи қисмининг, 203, 216¹-моддаларнинг, 216², 217-моддалар биринчи ва иккинчи қисмларининг, 229²-модданинг, 241, 244¹, 250, 250¹, 269 ва 276-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «қамок» деган сўздан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

22) **112-модда иккинчи қисмининг санкцияси** «ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

23) **113-модда бешинчи қисмининг, 116-модда учинчи қисмининг, 131-модда иккинчи қисмининг, 147-модданинг, 158-модда учинчи қисмининг, 204-модда иккинчи қисмининг, 216, 218-моддаларнинг, 219, 232-моддалар иккинчи қисмларининг, 233, 248, 252 ва 271-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** «қамок» деган сўздан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

24) **121 ва 257¹-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** «ишлари ёки» деган сўзлардан кейин «уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

25) **124-модданинг санкцияси** «жарима ёхуд» деган сўзлардан кейин, **159-модда иккинчи қисмининг, 171, 184, 202-моддалар учинчи қисмларининг санкциялари** «жарима ёки» деган сўзлардан кейин, **206¹-модда учинчи қисмининг санкцияси** «маҳрум қилиб» деган сўзлардан кейин ва **223-модда биринчи қисмининг санкцияси** «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-, 2-бетларда).

26) 126-модданинг, 138, 156-моддалар биринчи қисмларининг, 179-модданинг, 180, 181, 181¹, 186²-моддалар биринчи қисмларининг, 197, 199, 200-моддаларининг, 201-модда биринчи қисмининг, 208-модданинг, 236-модда биринчи қисмининг, 239-модданинг, 253, 257, 258, 259, 260-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари «уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин, 261-модданинг санкцияси «махрум қилиб» деган сўзлардан кейин, 268, 270 ва 274-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари «уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

27) 130 ва 214-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «уч йилгача» деган сўзлардан олдин «бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

28) 132-модда иккинчи қисмининг, 177, 185¹-моддалар учинчи қисмларининг санкциялари «жарима ёки» деган сўзлардан кейин, 206¹-модда иккинчи қисмининг санкцияси «махрум қилиб» деган сўзлардан кейин, 224-модда иккинчи қисмининг санкцияси «жарима солиш ёки» деган сўзлардан кейин, 225 ва 234-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

29) 132-модданинг учинчи қисми, 167, 168, 173-моддаларнинг тўртинчи қисмлари, 180, 181, 181¹-моддаларнинг иккинчи қисмлари, 184, 198, 202-моддаларнинг тўртинчи қисмлари ва 233-модданинг иккинчи қисми «озодликдан» деган сўздан олдин «озодликни чеклаш ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

30) 127, 133-моддалар иккинчи қисмларининг, 145-модда учинчи қисмининг санкциялари «қамок» деган сўздан кейин, 201, 236-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «махрум қилиб», «махрум этиб» деган сўзлардан кейин, 244¹, 268, 270-моддалар иккинчи қисмларининг, 273-модда биринчи қисмининг ва 274-модда иккинчи қисмининг санкциялари «қамок» деган сўздан кейин «ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

31) 134-модданинг ва 155¹-модда биринчи қисмининг санкциялари «уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

32) 205 ва 206-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари «ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

33) 142-модданинг, 166, 186¹, 186³-моддалар биринчи қисмларининг, 241-модда иккинчи қисмининг, 241¹, 249-моддаларнинг, 251¹-модда тўртинчи қисмининг, 254, 255, 263-моддалар биринчи қисмларининг ва 275-модданинг санкциялари «ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

34) 144, 145, 173, 184, 186-моддалар иккинчи қисмларининг,

198-модда учинчи қисмининг, 202, 213, 227, 228¹ ва 256-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

35) 159-модда биринчи қисмининг санкцияси «жарима ёки» деган сўзлардан кейин, 175-модда иккинчи қисмининг санкцияси «этилган ҳолда» деган сўзлардан кейин, 205, 206, 209-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «махрум қилиб» деган сўзлардан кейин, 210-модда биринчи қисмининг санкцияси «этилган ҳолда» деган сўзлардан кейин, 211, 212-моддалар биринчи қисмларининг ва 237-модда иккинчи қисмининг санкциялари «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

36) 167, 168-моддалар иккинчи қисмларининг ва 182-модда биринчи қисмининг санкциялари «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

37) 102, 169, 228, 250¹ ва 255²-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

38) 175-модданинг учинчи қисми «қамок» деган сўздан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

39) 178-модда биринчи қисмининг санкцияси «уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

40) 184¹-модда иккинчи қисмининг санкцияси «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

41) 184¹-модда учинчи қисмининг, 226 ва 278⁶-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

42) 184¹-модда тўртинчи қисмининг санкцияси «махрум қилиш» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

43) 209-модда биринчи қисмининг санкцияси «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

44) 255² ва 257¹-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

45) 224 ва 228-моддалар учинчи қисмларининг санкциялари «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

46) 226-модда иккинчи қисмининг санкцияси «икки» деган сўздан олдин «икки йилдан тўрт йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

47) 278²-модда иккинчи қисмининг санкцияси «бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

48) 278⁴-модда: биринчи қисмининг санкцияси «бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкцияси «бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

49) 278⁵-модда: биринчи қисмининг санкцияси «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкцияси «икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

50) 278⁶-модда иккинчи қисмининг санкцияси «икки» деган сўздан олдин «икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 56-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 468-модда қуйидаги мазмундаги **4¹-банд** билан тўлдирилсин: «4¹) озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм этилган шахс учун белгиланадиган тақиқлар (чеклашлар)»;

2) 539-модда: **номидаги ва матнидаги** «ва ахлоқ тузатиш ишларини» деган сўзлар «ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «44 ва 46-моддаларига» деган сўзлар «44, 46 ва 481-мод-

даларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 541-модданинг биринчи қисмидаги «жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини» деган сўзлар «жарима солишни, ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 542-модданинг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жарима жазосига, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жарима жазосини, ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашни жазонинг бошқа турлари билан алмаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқиши учун судга узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқиши мумкин. Жарима жазоси ёки ахлоқ тузатиш ишлари қамок ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан, шунингдек озодликни чеклаш озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қ О Н У Н И

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1-, 2-, 3-бетларда).

1) қуйидаги мазмундаги **17¹-модда** билан тўлдирилсин:

«17¹-модда. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори тортилади.

Юридик шахсга тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка юридик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси тортилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмайди, ушбу Кодекс 321-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгали қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эгалигидан чиқиб кетганлиги аниқланса, транспорт воситасининг мулкдори ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликларни учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади»;

2) **28-модданинг иккинчи қисмидаги** «128³-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар «128³-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **36-модданинг биринчи қисмидаги** «икки ойдан» деган сўзлар «бир йилдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **127-модданинг:**
номидаги «товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш» деган сўзлар «**товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг диспозицияси «худди шунингдек давлат рақам белгиларини кўриш имкониятини чеклайдиган, уларни англашга тўсқинлик қиладиган турли ашёлар ўрнатиш ва қоплама суртиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **128³-модда:**
учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юбориши, —

энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, — энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «128³-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «128³-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **248-модданинг:**
биринчи қисмидаги «128³-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми:
5 ва 6-бандларидаги «128³-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-бандидаги «128³-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **256-модданинг:**
биринчи қисмидаги «128³-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми учинчи хатбошидаги «128³-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **276-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб кўйиш тўғрисидаги баённома, овозли ёзувлардан, видеоёзувлардан, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгила-нади»;

10) **283-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда маъмурий

ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди»;

11) **291-модда:**
биринчи қисмининг «а» банди «126-моддасида» деган сўзлардан кейин «127-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича транспорт воситаларини жарима солиш ҳақидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кун ўтгач, жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунга қадар ушлаб туриш тўғрисида ёзма кўрсатма беради»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

12) **294-модданинг иккинчи қисмидаги** «ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган» деган сўзлардан кейин «ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекс 309¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин»;

13) қуйидаги мазмундаги **309¹-модда** билан тўлдирилсин:

«309¹-модда. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган ҳолларда жарима солиш тўғрисидаги қарор

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз чиқарилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжатни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, электрон ҳужжатни қоғоздаги ҳужжатга айлантириш йўли билан тайёрланади ҳамда мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида буюртма почта жўнатмаси тарзида ҳуқуқбузарга юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарилган сана ва жой; уни чиқарган органнинг номи, шахснинг лавозими ва фамилияси; маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва ҳолатлар ушбу Кодекс Махсус қисмининг мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, моддасининг қисми кўрсатилган ҳолда; махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган транспорт воситасининг ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги давлат рақам белгиси би-

лан туширилган тасвири; қабул қилинган қарор, тайинланган жаримани тўлаш тартиби ва муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек жарима солиш тўғрисидаги қарор хусусида шикоят беришнинг процессуал тартиби»;

14) **321-модда:**
қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такрорийлигини инобатга олган ҳолда умумий асосларда кўриб чиқиши лозим»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

15) **332-модда:**
биринчи қисми «ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим» деган сўзлардан кейин «ушбу модданинг иккинчи қисми бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб олтмиш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши лозим»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-, 2-, 3-, 4-бетларда).

1) **988-модданинг биринчи қисми** «бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **1001-модда:** куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаган давлат содир этилган айбли ҳаракатлари террорчиликка қарши операция ўтказилишига сабаб бўлган шахсга нисбатан тўланган товон миқдоридан қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) куйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **14-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** «қамоқ» ва «томонидан» деган сўзлардан кейин тегишинча «озодликни чеклаш» ва «ёки суд белгилайдиган бошқа орган томонидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **III бўлимнинг номидаги «ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ»** деган сўзлар «**ҚАМОҚ ВА ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) куйидаги мазмундаги **8¹-боб** билан тўлдирилсин:

«8¹-боб. ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ

44¹-модда. Жазони ижро этиш тартиби

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ёки суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгилаган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган бошқа орган томонидан амалга оширилади.

44²-модда. Озодликни чеклаш муддатини ҳисоблаш

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Маҳкум узрли сабабларсиз ўзбошимчилик билан яшаш жойида бўлмаган вақти озодликни чеклаш муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

44³-модда. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш учун чақирув бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига келиши шарт.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин.

Муайян вақтда яшаш жойидан кетишга, тегишли маъмурий ҳудуд доирасида жойлашган маълум жойларга боришга ёхуд тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиш учун рухсатнома, шунингдек яшаш жойини ўзгартириш учун рухсатнома жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан берилди. Қарор тақиқларнинг (чеклашларнинг) хусусиятидан, маҳкумнинг шахсидан, унинг хулқ-атворидан, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда қабул қилинади.

Уй-жойидан чиқиб кетишига бутунлай тақиқ белгиланган маҳкумнинг доимий яшаш жойидан кетиши учун рухсатномага, маҳкумнинг тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши учун рухсатномага, шунингдек маҳкумнинг яшаш жойини ўзгартириши учун рухсатномага прокурор томонидан санкция берилди.

Агар озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса, жазоларни ижро этиш инспекцияси илгари маҳкумга белгиланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

44⁴-модда. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарлик

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги учун жазоларни ижро этиш инспекцияси унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллайд.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.

Куйидагилар озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товловчилар деб эътироф этилади:

а) ўзига нисбатан суд томонидан белгиланган тақиқларни (чеклашларни) бузишга йўл қўйиб бўлмаглиги тўғрисида огоҳлантириш тарзида интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузишга йўл қўйган маҳкум;

б) ўзига нисбатан техник назорат воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузган маҳкум;

в) яшаш жойидан яширинган, қаерда эканлиги уч суткадан ортиқ вақт ичида аниқланмаган маҳкум;

г) яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясига белгиланган муддатдан уч суткадан ортиқ вақт мобайнида келмаган маҳкум»;

4) **168-модданинг биринчи қисми** «қамоқ» деган сўздан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги 160-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-342-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда) **42-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари** чиқариб ташлансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Терроризмга қарши кураш тўғрисида**»ги 167-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **23-моддасининг биринчи қисмидаги** «тартибда қопланади» деган сўзлар «тартибда давлат томонидан қопланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ-371-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда) **13-моддасининг биринчи қисмига** куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошиси еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

12-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 10 август
№ ЎРҚ-389

Семинар

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

ҳамкорликда ишлашни тақозо этади

Бугун одам савдоси дунё ҳамжамиятининг жиддий ҳавотирига сабаб бўлаётган глобал муаммолардан бирига айланди. Бу трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган мазкур жиноят тури дунё миқёсида тобора кенг тарқалаётгани, ҳар йили миллионлаб одамлар, асосан аёллар ва болалар одам савдосидан жабр кўраётганида ҳам яққол намён бўлмоқда.

Афсуски, юртимизда ҳам бу иллат таъсирига тушган, кимларнингдир хорижда яхши иш топиб бериш ёки ўқишга киритиб қўйиш ҳақидаги алдовларига учиб жабрланувчига айлиб қолаётганлар учраб турибди. Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, унинг келиб чиқишига йўл қўймастик мақсадида тегишли ҳуқуқий база яратилган, қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Қўллаб-дават ва жамоат ташкилотларини ўз ичига олган Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВда бўлиб ўтган семинар айнан шу мавзуга бағишланди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ҳудудий идоралараро комиссияларининг масъул котиблари ҳозир бўлган семинарда Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Бош прокуратура, Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва соҳага алоқадор бошқа идоралар вакиллари ўз маърузалари билан иштирок этди. Семинарда ИИВ ЖК ва ТҚКББ



бошқарма бошлиғи, подполковник Т. Нурмуҳаммедов олиб борди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан ўтказилган икки кунлик семинарда иштирокчилар ўзлари учун муҳим маълумотларга эга бўлишди. Одам савдосига қарши курашишда ҳамкор давлат ва жамоат ташкилотлари ишини мувофиқлаштириш, бу борада қонун ҳужжатларига

қатъий риоя этиш, иллатнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, жабрланганларга тиббий, психологик, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юзасидан билимларини янада оширишди.

Сир эмаски, одам савдосидан қўл ҳолларда аёллар ва болалар жабр чекмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси бўлим бошлиғи Д. Алимжоновнинг маърузасида айтиш мумкин, маърузада таъкидланганидек, мазкур иллат-

нинг келиб чиқишига аксарият ҳолларда жабрланганларнинг маънавий даражаси пастлиги, оилавий муҳитнинг носоғломлиги, ҳуқуқий билимнинг йўқлиги сабаб бўлмоқда. Маҳалла кенгашлари ва комиссияларининг етарли даражада фаолият юритмаётгани, аҳоли билан индивидуал ишлаш тизимининг яхши ишламаётгани, айрим хусусий корхона ва ташкилотларда ишчи-ходимларнинг иш ҳақини ололмаглиги


ҳам бу жиноятнинг илдиришига олиб келмоқда.

Семинарда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятидаги муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан масъул котибларга зарур кўрсатмалар берилди.

— Семинар биз учун жуда фойдали бўлди, — дейди Одам савдосига қарши курашиш бўйича Сурхондарё вилояти идоралараро комиссияси масъул котиби, майор Солиқ Турсоатов. — Негаки, фаолиятимизда асосланиб, ишимизни осонлаштирадиган кўплаб жиҳатларни ўргандик. Мутахассислардан зарур маълумотлар олдик. Семинар давомида комиссия ишини мувофиқлаштиришда, фаолият самарадорлигига эришишда нималарга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини белгилладик олдик.

Фозил МАМАШАРИПОВ. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН



ҲАФТА ИЧИДА

● Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги олдидан мамлакатимизнинг барча хуудларидан «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-муслиқий тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри майдони ва Хадра майдонида бўлиб ўтди.

Унда санъаткорларнинг Ватан, тинчлик, истиқлолни тараннум этувчи куй-қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этди.

● Корея Республикасининг Инха университети президенти Сунья Чой раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга келди. Делегация аъзолари Тошкент шаҳридаги Инха университетидан бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, олий ўқув юрти раҳбарияти, ўқитувчи ва талабалари билан учрашди.

Бундан ташқари, делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, олий ўқув юртларида учрашувлар ўтказиб, юртимизнинг илмий-маданий салоҳияти билан танишдилар.

● «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Ўзбекистон: мустақилликнинг 24 йили» мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.

Тадқиқотда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари (давлат хизматчилари, тадбиркорлар, фермерлар, талаба ва ишчилар), эркаклар ва аёллар, ёшлар, пенсионерлар, турли миллат ва элат вакиллари иштирок этди. Сўров қатнашчиларининг аксарияти (99,2 фоизи) ўтган вақт давомида мамлакатимиз халқаро миқёсда муносиви ўрин эгаллаб, жаҳон ҳамжамияти томонидан миллати ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча фуқаролар учун қулай шароитлар яратилган давлат сифатида эътироф этилганини қайд этди.

● «Жиззах» махсус индустриал зонасида тежамкор электр чироқлари ишлаб чиқарадиган «Yorqin Chiroqlar» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди.

Йилига 2,5 миллион дона ёруғлик одли тежамкор электр чироқлари ишлаб чиқариш қувватига эга ва умумий қиймати 2,5 миллион АҚШ долларилек лойиҳа асосида ташкил этилган корхонада 30 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Қўшма корхона иш бошлаши билан «Жиззах» махсус индустриал зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони олтига етди.

● Республика миқёсида «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида саломатлик ҳафталиги давом этмоқда.

Тиббий кўрикнинг галдагиси Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида бўлиб ўтди. Унда тажрибали шифокорлар турли ёшдаги аҳоли вакиллари саломатлигини текширувдан ўтказди. Тиббий кўрик давомида пойтахтлик шифокорлар шу ернинг ўзида бир неча кичик жарроҳлик амалиётини амалга оширди. Тадбирда туманнинг турли хуудларидан келган 850 дан зиёд киши чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

● Жиззах шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 56 корхона, ташкилот ва муассаса 142 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркада 40 дан ортқ кишига ўзлари танлаган соҳа бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар ва касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Давра суҳбати

ҲОЯТ ҚИММАТЛИ МАНБА

Президентимиз китоби босиб ўтган йўлимиз, эришган ютуқ ва марраларимиз теран таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар аниқ белгилаб берилгани билан беқиёс аҳамият касб этади

Президентимиз Ислон Каримовнинг кўпминг нусхада чоп этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажиги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли китоби кенг жамоатчилик томонидан ўқиб-ўрганилмоқда, жойларда мазкур китобга бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Худди шундай тадбирлардан бири ИИВ Қоровул кўшинларига қарашли подполковник Илҳон Ортиқов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда ўтказилди. Унда санъат ва адабиёт намояндалари, фахрийлар ҳамда ҳарбий қисм шахсий таркиби иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар китобда давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узок истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ қилиб



белгилаб берилганини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиздаги ҳар бир хууд ва минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликларнинг моҳияти пухта

асосланган ҳолда баён қилинганлигини қайд этдилар. Шу билан бирга, мазкур китоб мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнини узлуксиз давом эттириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилувчи кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш йўлида олдимизда турган аниқ вазифаларни яққол белгилаб бериши билан катта аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Тўпلامда таъкидланганидек, «Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур ҳис этамиз. Аини вақтда «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз ке-

рак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим». Президентимиз китобда ана шундай ёндашув асосида юртимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётинг саволларга теран ва ҳаққоний жавоблар берилганлиги унинг қимматини янада оширади.

Давра суҳбатида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида муҳим воқеаларга айланган мазкур китобни чуқур ўқиб-ўрганиш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Михли САФАРОВ,
кичик сержант.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.



Ўқув-тренинг

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – БОШ МЕЗОН

Яқин ва узок минтақаларда юзага келаятган таҳликали вазиятлар бугун барчамиздан юксак ватанпарварлик туйғуси, дахлдорлик ҳисси билан яшашни, ўзлигимизни, миллий анъаналаримизни қайтариб берган истиқлолнинг, юртимиздаги тинч, осуда ҳаётнинг қадрига етишни, уни асраб-авайлашни тақозо этмоқда. Бу борада кенг жамоатчилик иштирокида ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши ижобий самара бериши шубҳасиздир.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида «Оила» илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти Зангиота тумани бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши мутахассислари ва билим юрти профессор-ўқитувчилари иштирокида «Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида» мавзусида ўтказилган ўқув-тренинг ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримовнинг мазкур рисолада келтирилган «Мустақиллик, истиқлол деган улугъ неъмат аввало халқимизга эр-

кинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, кадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санадир» деган фикрлари истиқлолнинг халқимиз ҳаётида тутган беқиёс ўрнини намён этишини алоҳида эътироф этишди. Шунингдек, анжуманда мамлакатимизда соғлом авлодни воя-

га етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилганлиги, бу борада тегишли қонун ҳужжатлари, дастурлар қабул қилиниб, амалга изчил татбиқ этиб келинаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Семинарда, шунингдек, «Оилада ёш авлод тарбияси», «Болам бахтли бўлсин десангиз», «Мафкуравий ҳаётнинг долзарб масалалари», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг тутган ўрни ва роли» сингари долзарб мавзуларда мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Нотиқлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар таълим муассасаси ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада бойитди.

Ғ. ИКМАТУЛЛАЕВ,
капитан.



Ким эдигу ким бўлдик?

ИСТИҚБОЛИ ИСТИҚЛОЛДАН БОШЛАНГАН



(Давоми.
Бошланиши I-бетда).

Нафсиламрини айтганда, болалигимда одамлар ўз тақдирини қайсидир кун билан боғлашса, ҳайрон қолардим. Ахир, ҳар бир одамнинг ўз тақдир бор. Унинг ҳаётига қандайдир рақамнинг нима алоқаси бор, деб ўйлардим. Бироқ кейинчалик ҳаётимда шундай кун келдики, уни ҳар йили орзиқиб кутадиган бўлдим.

Чунки бу кун нафақат менинг, балки барча юртдошларимнинг ҳаётида кескин бурилиш ясаган, ўзининг хур инсон, озод ва эркин фуқаро, шу юртнинг, элнинг фарзанди эканлигини ҳис қилиш имконини берган Мустақиллик кунидир. Бундай ўйлаб қарасам, бу улуг кун билан менинг тақдирим ҳам туташ экан.

Айнан шу кунда мен мустақил ҳаётга қадам қўйганман. Истиклол, яъни Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирлиги Академияси талабалари сафидан жой олганман. Энг улуг, энг азиз байрамимизнинг бир йиллигини Академиянинг саф майдонида мустақиллигимизни, шу азиз юртни кўз қорачиғидек асрашга, унинг тинчликсевар халқининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қасамёд қилиб кутиб олдим. Энди жонажон Ўзбекистоним шарафини нафақат жаҳон спорт ареналарида, балки унинг содиқ ўғлони, ички ишлар органи ходими сифатида ҳам ҳимоя қилишга тантанали сўз бердим.

Истиклолнинг тўрт йиллигини бир эмас, икки галаба – Қирғизистонда ўтказилган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ва Болгарияда ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи ўрин билан кутиб олганман. Унинг олти йиллигини Россияда ўтказилган жаҳон кубоги голиби сифатида қаршилаган бўлсам, саккизин-

чи ва тўққизинчи йилларини Тошкент ҳамда Сингапурда ўтказилган Осиё чемпионати шохсупасидан ту-



риб олқишлаганман. Истиклолнинг ўн йиллигида ва ундан кейинги йилларда ҳам «Йилнинг энг яхши спортчиси» номига сазовор бўлдим.

Шуни фахр билан айта оламаник, Мустақилликнинг ҳар бир йили ўзининг қутлуг қадами билан ҳаётимда ўчмас из қолдириши яхши

бир анъанага айланиб қолди. Зеро, унинг ҳар бир ташрифи мен учун қутлуг келади. Айнан шу кун арафасида «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони ҳамда «Ўзбекистон ифтихори» медали соҳиби, халқаро тоифадаги спорт устаси, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони, милиция ва полициячилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони, самбо юлдузлари ўртасида икки карра жаҳон чемпиони, тўрт карра Осиё чемпиони ва бошқа халқаро мусобақалар голиби деб эътироф этилдим.

Хуллас, бу улуг ва муқаддас кун билан тақдир йўлларимнинг туташлигидан беҳад хурсандман. Шунинг учун ҳам уни ҳар йили орзиқиб кутаман. Чунки менинг истиқболим юртим истиқлолидан бошланган.

Акобир ҚУРБОНОВ,
подполковник.

(Суратлар архивдан олинди).

ИИВ Матбуот хизмати хабарлари

ТУНДАГИ БОСҚИНЧИЛИК




Тунда юзига ниқоб таққан тўрт нафар босқинчи Сирдарё вилояти Янгйер шахрида яшовчи Б. Аҳмаднинг ҳовлисига бостириб кирди. Сўнг уни пичоқ билан кўрқитиб, бир миллион сўм пул ва ноутбукини олиб кетишди.

Жабрланувчи зудлик билан ички ишлар идораларига хабар бергач, босқинчиларни аниқлаш ва қўлга олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Натижада С. Нуриддин, А. Хуррам, М. Асад ва Р. Мухсин ушбу жиноятни содир этишда гумон қилиниб, ушланди. Айни пайтда тергов ҳаракатлари олиб борилляпти.

БИРОВНИКИ БУЮРМАЙДИ

Хоразм вилояти Урганч шаҳрида яшовчи С. Феруза шахар ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, кимдир уйдан тўрт турдаги заргарлик буюмлари ва кийим-кечакларини ўғирлаб кетганини билдирди.



Ана шу мурожаат асосида олиб борилган тезкор тадбирлар туфайли тез орада ушбу жиноятни содир этган шахс қўлга олинди. У Шовот туманида яшовчи Р. Қ. экан. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

ЖАҲЛГА ЭРК БЕРИБ...



Қашқадар вилоятининг Қамаш туманида яшовчи Х. Собир турли сабабларни рўқач қилиб ҳамқишлоғи А. Мурод билан жанжаллашиб қолди. Гап талашш муштлашувга айланди. Х. Собир ҳамқишлоғини уриб-тепиб, бошига тўқмоқ жисм билан уриб жароҳат етказди. Жабрланувчи шифонага ётқизилди. Зўравон эса қилмиши учун жавоб берадиган бўлди.

Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЙЎЛДАГИ ТАЛОНЧИЛАР

Фарғоналик А. Тожиддин тунда Учкўприк тумани «Шодлик» кўчасида кетаётганида кутилмаганда олдини икки нота ниш кимса тўсиб чиқди. Йўлтўсарлар уни кўрқитиб, 100 АҚШ доллари ва иккита уяли телефон аппаратини тортиб олишди.

Ҳолат юзасидан хабар топган ички ишлар идоралари ходимлари қидирув-суриштирув тадбирларини олиб бориб, тез орада икки йўлтўсарни ушлашга муваффақ бўлишди. Ушбу талончиликни шу туманда яшовчи А. В. ва Э. Т. содир этганлиқда гумон қилиниб, қўлга олинди. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

ДУНЁДАН



ДАРАКЛАР

КУЧЛИ ПОРТЛАШ ОҚИБАТЛАРИ

Хитойнинг Тяньцзин шаҳрида кучли портлаш содир бўлди. Воқеа шахарнинг Биньхай туманида жойлашган омборхонада рўй берган.

Фожиага омборхонада сақланаётган хавфли портловчи маҳсулотларнинг ёниши сабаб бўлгани айтилмоқда. Портлаш зарбининг кучлилигидан у маҳаллий сейсмология хизмати томонидан қайд қилинган.

Сўнги маълумотларга кўра, қурбонлар сони 50 кишига етган, 700 нафардан кўпроқ киши шифонага ётқизилган, улардан 70 га яқини оғир аҳволда. Ҳаётдан кўз юмганларнинг 12 нафари полициячилардир.

Портлаш оқибатларини бартараф этишга мингдан ортиқ қутқарувчилар, ёнғин ўчирувчилар жалб қилинган.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КУЗАТИЛДИ

Грецияда жорий йилнинг иккинчи чорагида иқтисодий ўсишга эришилди. «Bloomberg» агентлиги мамлакат статистика хизмати маълумотларига таяниб ана шундай хабар тарқатди.

Хабарда айтилишича, молиявий-иқтисодий инқироздан ҳали-ҳануз чиқа олмаётган Грецияда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,8 фоизга кўпроқни ташкил этган. Ваҳоланки, жорий йилнинг дастлабки уч ойлигида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 0,2 фоизга пасайган эди.

Аввалроқ Греция ҳукумати ва халқаро кредиторлар ўртасида тузилган келишувга мувофиқ мамлакатга 86 миллиард АҚШ доллари миқдорига молиявий ёрдам кўрсатилиши маълум қилинган.

ЭНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТУВЧИ РЕЙС

БААнинг «Emirates» авиакомпанияси келгуси йили дунёдаги энг узоқ давом этувчи қўнишсиз рейсни йўлга қўймоқчи.

2016 йилнинг 1 февралидан бошлаб авиакомпания самолётлари Дубайдан Панамага уча бошлайди. Парвознинг давомийлиги 17 соат 35 дақиқани ташкил қилади. Бу вақт ичида 13,7 минг километр масофа босиб ўтилади. Рейс «Boeing 777-200 LR» самолётларида амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда тўхтовсиз давом этадиган энг узоқ рейс Австралиянинг «Qantas» авиакомпанияси томонидан амалга оширилиб, унинг давомийлиги 17 соатни ташкил қилади.

75 ЙИЛДАН СЎНГ...

XXI аср сўнгига бориб дунё аҳолиси сони 11 миллиардга етиши кутилмоқда. Ушбу аҳолининг қарийб ярми Африка қитъаси мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хабарига кўра, 2050 йилда жаҳон аҳолиси ҳозирдаги 7,3 миллиарддан 9,7 миллиардга етади. 2100 йилга бориб Африка аҳолиси 1,2 миллиарддан 5,6 миллиардга етиши мумкин. Осиё қитъасидаги одамлар сони 500 миллионга ошиши кутиляпти.

Қашшоқ давлатлардаги аҳолининг кўпайиши атроф-муҳитнинг янада ифлосланишига, ресурслар танқислиги ҳамда ишсизликнинг ошиши, қашшоқлик, жиноятчиликнинг кўпайиши ва сиёсий беқарорликларга олиб келиши мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

Ислом дини бағрида шаклланиб, инсоннинг комилликка эришиш йўлини тарғиб қилган тасаввуф таълимоти тараққиётини Ўзбекистоннинг иштирокисиз тасаввуф қилиб бўлмайди. Тасаввуфнинг айнан кубравия, яссавия ва нақшбандия тариқатлари юртимизда пайдо бўлиб, такомиллашди, ер юзининг барча ҳудудларига тарқалди. Хусусан, нақшбандия – ислом оламида энг сўнгги ва энг мукаммал тариқат экани билан алоҳида ўринга эга. Шунинг учун ҳам кенг ёйилди ва беқиёс шухрат қозонди.

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий – ислом оламининг энг машҳур авлибларидан, нақшбандия тариқатининг асосчиларидан бири.

У ҳижрий 718 йилнинг муҳаррам ойида, милодий 1318 йилнинг мартида Бухоро вилоятининг Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, ҳижрий 791, милодий 1389 йили ҳижрий ҳисобда 73, милодий ҳисобда 71 ёшда шу қишлоқда вафот этган. У туғилган қишлоқ кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд шарафига Қасри Орифон деб юритилади.

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорийнинг асл исми – Муҳаммад, отасининг исми ҳам Муҳаммад бўлган. Баъзи манбаларда бобосининг исми ҳам Муҳаммад экани ҳақида маълумот келтирилади. Ўша даврда ёзилган манбаларда Ҳожа Баҳоуддиннинг насаби ҳақида бирор-бир маълумот учрамайди. Кейинги даврларда ёзилган манбаларда Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ота тарафдан саййидлар, яъни Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) авлодидан экани зикр этилган. Келтирилган бу шажара Имом Жаъфар Содикдан бошланиб, Баҳоуддин Нақшбанд унинг 20-авлоди сифатида қайд этилган. Баҳоуддин Нақшбанднинг насаби она тарафдан ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади.

Ҳожалар авлодидан бўлгани учун унинг номи олдида Ҳожа сўзини ишлатиш расм бўлган. Бухоролик бўлгани боис Бухорий нисбаси, ёшлигида отаси раҳнамолигида кимхобга нақш солиш ҳунари билан машғул бўлгани учун Нақшбанд лақабини олган. «Баҳоуддин» сўзи «Диннинг нури», деган маънони англатади. Бу – Ҳожа Нақшбандга кейинчалик берилган фахрли унвон. Манбаларда баъзан «Баҳоул-Ҳаққи вал-миллати ва-д-дин», яъни: «Ҳақ таоло, миллат ва диннинг нури», – деган тўлароқ тарзда ҳам учрайди.

Алишер Навоийнинг «Насойим улмуҳаббат мин шамойим ул-футувват» тазкирасида келтирилган маълумотга кўра, ҳожагон-нақшбандия тариқатининг олтин силсиласида бешинчи ҳалқа ҳисобланмиш Ҳожа Муҳаммад Бобо Самосий унга бир бўрк (бош кийими) беради, шунинг шарофати билан Баҳоуддинда балогардонлик хислати юзага келади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг умри, асосан, Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда ўтган. У икки марта ҳаж қилган. Фарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати – кимхобга нақш (гул) солиш билан кун кўрган. Хизматкор ёки кул сақлашни гуноҳ деб билган.

НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИГА АСОС БЎЛГАН МАНБАЛАР

Ўз таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний ва Абдуллоҳиқ Гиждувоний назарияларига асосланган. Таълимоти асосида: «Дил – ба ёр у, даст – ба кор» («Кўнгул Худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлаверсин»), – деган широк ётади.

Тасаввуфдаги ҳар қандай тариқат каби, ҳожагон-нақшбандия тариқати ҳам ўз ғоялари, тартиб-қоидалари, одоблари ва қатъиятларини шакллантиришда жуда қадим ришталардан сув ичган. Аммо тариқатнинг бутун моҳиятини унинг бош шiori бўлмиш: «Дил – ба ёр у, даст – ба кор» ҳикмати ҳамда яна ўн бир қоида белгилаб беради. Бу қоидалар «рашҳалар», яъни «томчилар» деб юритилган.

Баҳоуддин Нақшбанд вукуфи замонавий, вукуфи ададий, вукуфи қалбий широкларини тайин этган.

Баҳоуддин Нақшбанд, унинг таълимоти ҳамда шу тариқат шайхлари тўғрисида талай асарлар яратилган. Биргина Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлғезмалар ҳазинасининг ўзида нақшбандияга доир 200 дан ортик китоб мавжуд. Юқоридаги широклар ана шу тарихий манбаларда, шунингдек, мустақиллик йилларида чоп этилган кўплаб илмий асарларда етарлича шарҳланди. Шунинг учун уларга махсус тўхтаб ўтирмаймиз. Фақат шуни айтиш керакки, бу рашҳалар – аслида, солихларнинг зикр тушиш маҳали амал қилиши лозим бўлган қоидалари. Аммо уларнинг яна қанчадан-қанча рамзий, умумфалсафий ва ҳаётий маънолари бор. Бу қоидаларга амал қилиш солихнинг зикр маҳали ўз ру-

ҳини назорат этиб, мақсадга йўналтириб туриши учун зарур. Мазкур широкларнинг тор маъносигина зикр тушиш билан боғлиқ. Ақидаларнинг ҳар бири яна шундай кенг маъноларга эгаки, сўфий нафақат зикр пайтидагина, балки умри давомида уларга риоя этиб бориши зарур.

Нақшбандия силсиласи ҳам, яссавия силсиласи ҳам Ҳожа Юсуф Ҳамадонийга боғланади. Баҳоуддин Нақшбанд ана шу икки тариқат пирларидан таълим олгани учун икки силсилада ҳам саналаверади. Ҳар қандай силсила Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.)дан бошланади. Нақшбандияда манбаларда «силсилат уз-заҳаб», яъни «олтин силсила» тарзида тилга олинади. Бу рўйхатда Баҳоуддин Нақшбанд Амир Кулолдан кейинги 16-ҳалқада, яссавия бўйича эса Халил Отадан кейинги 17-ҳалқада турибди. Баҳоуддин Нақшбанд Қусам Шайх орқали ҳам яссавия тариқатига боғланади.

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ҳожа Юсуф Ҳамадоний Бухорода тасаввуф таълимотини тарғиб қилди. Унинг бир муриди бўлмиш Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний ҳожагон, иккинчи муриди бўлмиш Ҳожа Аҳмад Яссавий эса яссавия тариқатига асос солди. Унгача юртимизда Нажмиддин Кубро асос солган кубравия тариқати бор эди, холос.

Кўриниб турибдики, ҳожагон ва яссавия тариқатлари бир булоқдан сув ичган. Аммо ҳожагон тариқати ислом нисбатан кенг ривожланган ўтроқ халқ ўртасида, яссавия эса ислом унчалар кенг тарқалмаган кўчманчи ёхуд ярим кўчманчи эл ўртасида фаолият юритди. Бу икки тариқат ўртасидаги асосий фарқларни ҳам ана шундан излаш керак.

Ҳожагон тариқати: «Дил – ба ёр у, даст – ба кор», – деган ғояни ўзига бош широк қилиб олган. Бу ўша давр учун жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга туб бурилиш эди. Бу широкнинг аҳамияти бугун ҳам асло камайган эмас.

Мазкур ғоя амалда тасаввуфни ҳаётга яқинлаштиришга хизмат қилган. Тасаввуфнинг бошқа айрим оқимларида таркидунечилик кайфияти устунлик қилар, Ҳаққа етиш йўлида сўфий дунё ишларидан батамом қўл силкишга даъват этилар эди. Аммо ҳожагон тариқати ана шу бош широк орқали масалани: «Бу дунё деб у дунёни, у дунё деб бу дунёни унутмаслик керак», – деган мўътадил, яъни ўрта йўлни танлади ва бу унинг аҳолининг турли қатламлари ўртасида ҳаддан ташқари кенг ёйилиб кетишига олиб келди.

Бошқа тариқатлар, жумладан, яссавиядан фарқли ўлароқ, Нақшбандия-

да зоҳир ва ботин ўзаро ажратилди. «Зоҳир юзидан халқ билан, ботин юзидан Ҳақ билан», – деган қоида замирида жуда катта маъно-мазмун яширин. Бу сўфийликни халқ орасида ошкор этмаслик, пеш қилмаслик, бошқалардан ажралиб турмаслик, хилватга чекинмаслик, меҳнат қилиб кун кўришдан воз кечмаслик, оила, бола-чақа боқиш масъулиятини бўйинга олиш, бошқалар (кул ва чўрилар) меҳнатидан фойдаланмаслик каби эзгу тартиб-қоидаларга қатъий амал қилишни талаб этар эди.

Хўш, умуман олганда, мақсади – бир, ҳатто устоз – Юсуф Ҳамадоний берган таълим биру, нега энди бу икки тариқат орасида бундай кескин фарқ пайдо бўлиб қолди? Ҳатто Баҳоуддин Нақшбанд яссавия тариқатидаги пирлардан Халил



Отанинг ҳам хизматида бўлиб, ўн икки йил таълим олган эди. Халил Ота орада яна уч пир воситасида Занги Отанинг отаси – Абдулмалик Тож Ҳожанинг муриди эди. Ана шу йўл билан Нақшбанд яссавия тариқати силсиласида ҳам қайд этилади. Баҳоуддин Нақшбанднинг яна бир пири – Қусам Шайх ҳам яссавия тариқати вакили эди. Шу тариқа яна: «Баҳоуддин ҳам ҳожагон, ҳам яссавия тариқатлари пирларига мурид бўлсалар-у, нақшбандия яссавиядан фарқ қиладими?» – деган савол туғилади.

Ижтимоий омил деган нарса ана шу нуқтада ойдинлашади. Яссавий яшаган муҳит бир бошқа тарихий тараққиёт даврида эди ёхуд халқ ўзгача ишлаб чиқариш билан кун кўрар эди. У ерда, энг муҳими, жамоа мулки бор эди. Қабиланинг, қишлоқнинг, овулнинг – боринги, қандайдир жамоанинг умумий мулки, ҳеч бўлмаса, моли бор эди. Агар шу жамоа ичидан тасаввуф йўлига кирган кишилар топилса қолса, аниқки, халқ бундай одамларни иқтисодий жиҳатдан ташлаб қўймас, яъни у оч қолмас эди. Жамоанинг умумий

Кўнгулдан ўтган ўйлар

МУСТАҚИЛЛИК, ОДАМЛАР, ОДИМЛАР

Донишмандлардан бири «Одам қайси бандаргоҳ томон йўл олганини билмаса, унга биронта ҳам шамол ҳамроҳ бўла олмайди», деган экан. Қизиқ, одам пайдо бўлибдики, гаройиб, сирли хилқатлардаги жумбоқларни ечади, яна оғримаган бошига ўзи жумбоқларни пайдо этади. Хуллас, у не-не тарихлар, замонларни одимлаб ўтган.

У яратувчи, бунёдкор, тараққиётнинг асосчиси, олижаноб ва очиқкўнгли, онгли, идрокли мавжудот. Баъзан темирдан қаттиқ, гулдан нозик. Одамнинг қадрини ўз пешона тери, меҳнати, она-Ватанига бўлган фидойилиги, ватанпарварлиги, бурчига содиқлиги оширади. Келажак авлодларга ўрнак қилади.

Бугун халқимиз ўзининг энг улуг, энг азиз байрамларидан

бири – Мустақилликнинг йигирма тўрт йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Жонажон Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган одамлар ҳозирда қайси йўлдан бораётганликларини яхши билишади. Тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳукм сураётган юртда одамлар бунёдкорлик, яратувчилик ишлари билан банд. Ўсиб келаётган авлод-

лар камолини кўриш, ният қилган орзу-ҳавасларига эришиш учун энг шимариб меҳнат қилмоқда.

Энг улуг, энг азиз байрамимизни юксак даражада нишонлаш мақсадида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори

эълон қилинди. Мазкур қарорда «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш кўрсатилган. Бугунги кунда кенг жамоатчилик томонидан ушбу қарорда кўрсатиб ўтилган вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

сиёсий ўқиш

ТАЪЛИМОТИ

мулки – гўшти борми, бас, бир неча одам иш билан машғул бўлмай ҳам кун қўриши, Худо йўлига бошқалар уни боқиб ўз бўйнига олиши турган гап. Агар жамоанинг умумий мулки бўлмаган тақдирда ҳам, халқнинг қўлида моли, қўй-эчки бор, тирикчилик бир қадар содда ва мол боқиш учун кенг яйловлар шу аҳоли ихтиёрида. Шунинг учун бундай содда яшаш тарзида халқ бир неча дарвешни бемалол боқади.

Бу даъво исботсиз қолмаслиги учун бир мисол келтирамиз. Гарчи, бир қарашда, бунинг яссавияга мутлақо алоқаси йўқдек туюлса ҳам, аслида, моҳият жиҳатидан бу яссавиядаги таркидунёчилик учун ижтимоий асос нақшбандиядагига нисбатан кучлироқ бўлганини исботлаш нуктаи назардан керак.

Чинакам тасаввуф бора-бора юрти-мизда ўзи-



нинг асл йўлидан чиқиб, XIX – XX асрларга келиб эшончиликка айланиб кетди. Тасаввуфда, ҳатто пирнинг ўз фарзанди ҳам отасига ва ё бошқа шайхга мурид тушиб, ундан ботиний илм ўрганмаса, ўзини руҳий тарбиялашда етарли бир даражага эришолмаса, шайхлик мақомини ололмайди ва мурид тўплаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Лекин бизнинг замонларга келиб ота-бобоси шайх ўтган кишиларнинг барча фарзандлари, фарзандларининг фарзандлари ўзларини эшон ҳисоблаб келди. Эшонлик тарбия йўли билан эмас, қон билан авлоддан авлодга ўтди ва ўша ота-боболаридан бирининг муридлари бўлмиш кишиларнинг фарзандлари ворисий асосда буларга ҳам мурид саналаверди. Ҳолбуки, чинакам тасаввуфда ҳар бир солиҳ пир кўмағида ўзини ўзи тараққий эттириш орқалигина шайх даражасига етади. Ҳатто Баҳоуддин Нақшбанддан: «Сизнинг силсилангиз не ерга етар?» – деб сўраганларида ул зоти шариф: «Киши силсиласи била ҳеч ерга етмас», – деб жавоб берганлар. Демак, силсиланинг, яъни бир кишининг қонда қайси буюқ

зотларга бориб тақалишининг ўзигина ҳали шараф келтирмайди, тасаввуф йўлига кирган ҳар кимнинг ўзи мурид ёрдамида ўзини ўстириши керак. Силсила деганда Баҳоуддиндан кимларнинг муриди эканликлари сўралган. Тасаввуфда пирнинг халифаси фарзандиди саналади. Демак, ҳар бир муридга пирлик қилган одамнинг ҳам пири бор, ўша пирнинг ҳам пири бўлган. Тасаввуфда бундай занжирнинг аҳамияти катта. Бироқ бу жавоби билан Баҳоуддин Нақшбанд, ҳатто ана шу тан олинган олтин силсиланинг ҳам тасаввуфда кўнгилни тараққий эттириш учун бош масала эмаслигини таъкидлаганлар. Шундай экан, киши отаси ё бобоси шайх (эшон) бўлгани учунгина шайх (эшон) бўлиб кетавермайди.

Тасаввуфда, ҳамма нарсанинг ҳам сурати, ҳам сийрати бор, деб ҳисобланади. Демак, айна бир нарсанинг ўзига ҳам зоҳиран ва ҳам ботинан қараш мумкин. Ана шу масалаларни ташқи ва ички жиҳатларга ажратиш ишни осонлаштиради.

Нақшбандиянинг бу ақидасини Абдураҳмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс...»да келтирилган мана бу байтлари жуда яхши ифодалади:

**Аз дарун шав ошноу аз берун бегонаваш,
Ин чунин зебо равиш кам мебувад андар Чаҳон.**

Агар «аз дарун»нинг «ичдан» ҳамда «аз берун»нинг «ташдан» деганлигини инобатга олсак, байтда мана бундай маъно илгари сурилгани аёнлашади: «Ичдан ошноу ташдан бегонадек бўл, бундай гўзал иш жаҳонда кам топилади». Демак, ич ва таш айнан бўлиши шарт эмас. Сўфий – ташқи тарафдан бир қадар эркинликка эга. Ҳатто у ташқи жиҳатдан бошқалардан ажралиб турмаслиги керак. Сўфийнинг оддий одамлардан ажралиб туриши ўзини кўз-кўз ва Худога интилишини пеш қилиш, кишилардан алоҳида иззат-икром тама этиш бўлур эди.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ талабларни бир қадар юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Унингча, Аллоҳга интилиш кўнгил билан амалга ошиши керак. Қўл эса иш, яъни фойдали меҳнат билан банд бўлаверсин. Бу эса таркидунёчилик қилмай, бу дунё ишларидан очик-ошкор қўл силкимай туриб ҳам Аллоҳга етишиш мумкинлиги ҳақидаги ғояни жуда кенг аҳоли қатламлари орасига кириб боришини таъминлади.

Абдуллоҳиқ Фиждувоний асослаган ҳожагон тариқати шу тариқа янги бир даражага кўтарилди, такомиллашди. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд ва-

фотидан бир асрча вақт ўтганидан кейин Абдураҳмон Жомий (1414 – 1492) биринчи марта бу тариқатни «нақшбандия» деб атай бошлади. Ҳозирги пайтда ҳам бу тариқат, асосан ана шу ном билан машҳур.

Нақшбандия тариқатининг асосий тарбия усули – суҳбат. Чунки нақшбандийлар суҳбатнинг фойдаси кўп, суҳбат орқали инсон қалбига кириб бориш мумкин, деб ҳисоблашган. Баҳоуддин Нақшбанд бошқа тариқатлардаги чилла ўтириш, зикри жаҳриани хуш кўрмаган. Чунки чилла ўтириш, хилватлик – одамлардан узоқлашиш, ўзини кўз-кўз қилиш ва васвасага берилиш бўлиб қолади. Суҳбат нақшбандиянинг – «хилват дар анжуман» (одамлар ичра хилватда бўлиш) деган шioriга мос эди. Зеро, ҳунар билан, касб билан шуғулланиб ёки бирор иш билан банд бўлиб ҳам, Аллоҳ ёдини дилда сақлаш, бандаликни бир нафас унутмаслик, ҳамма вақт, ҳамма ерда, истаган шароитда ўзини огоҳ деб би-лиш, қалбда Аллоҳ номларини нақш-лаш – улугъ фазилат. «Дил – ба ёр у, даст – ба кор» шiori ҳам айнан шуни тақозо этар эди. Аллоҳ қалбингда бўлсан, қўлинг ишда. Яъни: дунёни ҳам, охиратни ҳам, унутма. Худди шу маънода ҳожагон тариқатининг бошқа қоидалари, чунончи, «хуш дар дам», «назар бар қадам», «сафар дар ватан» каби қудсий талаблар ботинни пок-лаш, қалб Аллоҳни севиш ва шариат йўлидан чекинмасликни чуқурроқ англаш, мустаҳкамлашга ёрдам бериб келган.

Нақшбандияда шариат қоидалари, жумладан, суннатга қатъий амал қилиш ҳам қаттиқ талаб қилинган.

НАҚШБАНДИЯ ВА МУСТАҚИЛЛИК

Мустақиллик шарофати билан нақшбандия тариқати, унинг асосчилари, хусусан, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий ҳаёти ва фаолияти, унинг бебаҳо меросини ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Мамлакатимизда ўзига хос нақшбандшунослик шакллари ва тобора ривожланиб бормоқда.

1993 йилнинг 17 сентябрида Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. 2002 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Абдуллоҳиқ Фиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, шу асосда 2003 йил 27 ноябрда Бухорода Тасаввуф илмининг йирик намояндаси Ҳожа Абдуллоҳиқ Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида юксак ташкилий савияда ўтказилди. Шу юбилей муносабати билан ҳожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиларидан бўлмиш Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд макбараси мажмуасига янги иморатлар – миллий нақшкор айвонлар солинди. Юбилейнинг асосий тантанали маросими айнан Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтди. Бу тантанادا Президентимиз Ислам Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

2004 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу мажмуа маркази нодавлат ташкилот, ташкилий шаклига кўра, муассаса ҳисобланади. Марказ ўз фаолиятини жамоатчилик асосида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат но-тижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва амалдаги бошқа қонунлар, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уломо-лар кенгазининг қарорлари ҳамда ўз Низомига биноан амалга оширилади.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказига нақшбандия шайхлари қолдирган бой маънавий меросни тўплаш, ўрганиш, нашр этиш, тарғиб қилиш, келажак авлодга асл ҳолда ет-казиш, Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдуллоҳиқ Фиждувоний ёдгорлик мажмуаларини халқаро миқёсдаги зиёратгоҳ-ларга айлантириш, уларда зиёратчи юртдошларимиз, хорижлик меҳмонлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш, тасаввуф таълимоти-нинг халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида, ислом олами ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада оширишга кенг имкониятлар яратиш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Ана шу марказ муассислигида 2008 йилдан буён «Нақшбандия» илмий-ир-фоний, адабий-маърифий журнали чоп этиляпти. У Марказий Осиёдаги тасав-вуф йўналишида чиқадиган ягона нашр ҳисобланади.

1994 йилдан буён ҳар йили сентябрь ойининг учинчи жумасида Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида анъ-анавий нақшбандшуносликка бағишлан-ган Республика илмий-амалий анжуман ўтказиб келинмоқда. Унда мамла-катимизнинг таниқли тасаввуфшунос, диншунос, тарихчи ва филолог олим-лари, шоир ва ёзувчилари, соҳа мута-хассислари ўзларининг долзарб мав-зулардаги чиқишлари билан иштирок этипти.

2013 йили Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида катта бунёдкор-лик ишлари амалга оширилди. Мажмуа ҳовлисида замонавий талаблар асосида янги мажлис залли қуриб битказилди. Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази биноси қайта таъмирланди. Мажмуа майдони ободонлаштирилиб, мавжуд боққа янги кўчатлар ўтказилди.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси зиёратига ҳар кун дунёнинг турли бурчакларидан, мамлакатимиз-нинг барча минтақаларидан минглаб зиёратчилар ташриф буюради. Бу ер – Ўзбекистонимизнинг энг муқаддас гўшаларидан бири. Баҳоуддин Нақш-банд ёдгорлик мажмуаси маркази олиб бораётган эзгу ишлар эса юрти-мизда миллий маънавий қадриятлар қанчалар юксак даражада эъзозлана-ётганини кўрсатади.

**Султонмурод ОЛИМОВ,
«Нақшбандия» журнали
бош муҳаррири.**

Энг асосийси, хизматда, яқинлар орасида, ким билан суҳбатлашманг, Мустақил Ўзбекистонда қўлга киритилган барча ижобий ютуқлар замирида мамлакатимиз раҳбарининг узоқни ўйлаб амалга ошираётган сиёсати, танти халқимизнинг камарбасталиги, ҳалол меҳнати шубҳасиз, эътироз этилмоқда. Одамлар тинчлик-осойишталик барқарор бўлган мамлакатда яшаётганларидан мамнун, муқаддас заминда орзулари амалга ошаётганлигини шукроналик ҳисси билан яшамоқда.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси асрлар давомида инти-

либ яшаган ва курашган. Шу боис ҳам мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қим-матини теран идрок этади. Ўтган даврдаги оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг қўламли ислохотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини, содда қилиб айтганда, кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни, яхши англайди.

Қарорда муҳим масала – юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлар-аро дўстлик, ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахл-

сизлигини асраш, узоқ-яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар, манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, турли минтақа, ҳудудларда хавф-хатар, таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак, ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлиги-мизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканига алоҳида аҳамият қаратилган-лиги бежиз эмас.

Ўз навбатида, Ички ишлар вазирилиги ва унинг қуйи

бўғинлари ходимлари томонидан Мустақиллигимизнинг йи-гирма тўрт йиллигини нишон-лашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ҳамда фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида профилактик, тезкор-профилактик тадбирлар бошлаб юборилган ва айни кунларда уюшқоқлик билан да-вом эттирилмоқда.

Биз учун қувонарлиси, Мус-тақил Ўзбекистонимиз ҳар қандай шароитда ҳам ўз тан-лаган йўлидан босқичма-бос-

қич тараққийёт сари дадил одим-ламоқда. Юртимизнинг қай бир манзилида бўлманг, хайрли тад-бирлар устидан чиқасиз, унинг иштирокчисига айланасиз. Шунингдек, уларнинг ҳар бирида ходимларимизнинг шарафли хизматлари борлиги чексиз гурур бағишлайди.

Энг муҳими, ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар, байрамлар Мустақил она-Ва-танимизда тинчлик-осойишта-лик, барқарорликнинг ёрқин намунаси эканлигини унутмас-лигимиз, қадрига етишимизда.

**Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
подполковник.**

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

ЎЗ ИШИНИНГ УСТАЛАРИ

Сўнги пайтларда юртимизда автотранспорт воситаларининг кўпайиб бораётганини илгаш қийин эмас. Бу бир томондан аҳоли турмуш фаровонлиги юксалаётгани, шахсий автомобиль харид қилиш қобилияти ошаётгани билан изоҳланса, иккинчи томондан йўлларда ҳаракатланишда янада ҳушёрликни оширишни, йўл қодаларига қатъий амал қилиш лозимлигини билдиради. Афсуски, ҳамма тўғри ҳаракатланяпти, қоидани бузмаяпти, дея олмаймиз. Баъзида билиб, баъзида билмай қоидани бузаётганлар, кейин содир бўлган йўл-транспорт ҳодисасида ўзгани айб-лашга уринаётганлар ҳам учраб турибди. Бундай пайтда ҳақиқий айбдор ким-у, жабрланувчи кимлигини аниқлашда эксперт-криминалисларнинг хизмати беқийс.

Апрель ойи ёмғирли кунларининг бирида «Фотон» юк автомашинасини тўла юкланган ҳолатда бошқариб келаётган Турдибой (исмлар ўзгартирилган) Кармана тумани ҳудудидан ўтувчи йўлнинг бурилиш жойида бошқарувни эплай олмай қатнов қисмидан чиқиб кетади ва автоулов ағдарилиб тушади. Натижада ҳайдовчи ҳамда автомашина шикастланади. Вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлими катта экспертлари, майорлар Ҳаким Райимов ва Миркомил Бекназаров воқеа жойини обдон кўздан кечириб, тегишли тадқиқотлар ўтказиб, йўл-транспорт ҳодисасига автомашинанинг носоз ҳолатда йўлга чиққани сабаб бўлганини аниқлашди.

Яна бир мисол. Навоий шаҳар кўчалари бўйлаб бир йўналишда ҳаракатланаётган «Нексия» ва «Матиз» машиналари иштирокида қутилмаганда автохалокат со-

дир бўлди. Ана шу ҳолатга оидлик киритиш мақсадида экспертлар яна ишга киришишди. Улар автомашиналарнинг бир-бирига теккан қисмлари ва йўлдаги урилиш жойларини ўрганиб, йўл-транспорт ҳодисасини «Нексия» ҳайдовчиси келтириб чиқарганини асослаб беришди.

Булар эксперт-криминалисларнинг автотехник экспертиза йўналишида ўтказган тадқиқотларидан айрим мисоллар. Мазкур йўналишдаги экспертлар асосан йўл-транспорт ҳодисаларининг механизмини, автотранспорт воситасининг техник ҳолатини тадқиқ қилиш ва суд транспорт трасологияси йўналишлари бўйича мустақил равишда экспертиза хулосаларини ёзиб келишмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида улар томонидан 305 та худди шундай экспертиза хулосалари тақдим этилди. Бундан ташқари, экс-

перлар автомобиль қисмларидаги ёзувлар сохталаштирилганини ҳам аниқлаб беришади. Ўрни келганда бир мисолга эътиборимизни қаратсак.

Яқинда вилоят ИИБ ЙХХБ рўйхатлаш-имтиҳон олиш бўлимига бир фуқаро ўзига тегишли «ВАЗ-2121» русумли, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автомашинани қайта рўйхатдан ўтказиш

лар ўзгартирилганини аниқлашди. Ўтган ойлар давомида шу турдаги ҳолатлар бўйича 17 та тадқиқот ўтказилди. Шулардан тўрттаси ҳақиқий эмаслиги оидинлашди.

— Бизнинг соҳада оддий, аҳамиятсиз туюлган нарсаларга ҳам эътиборсиз қараб бўлмайди, — дейди вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, подполковник Анвар Тоҳи-

тартибини сақлашда ҳам фаол иштирок этиб келишяпти.

Дарвоқе, тажрибали ходимлардан бири — майор Ҳаким Райимов ўтган йили ички ишлар идоралари тизимида ўтказилган «Энг яхши эксперт-криминалистика ходими» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли учинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Ватанимиз тинчлиги ва эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлидаги фидокорона хизматлари учун Ички ишлар вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда диплом билан тақдирланди.

Қисқаси, айна пайтда вилоят ИИБ ЭКБ ходимлари нафақат автотехник экспертиза ўтказишда, балки дактилоскопик, хатшунослик, баллистик, гиёҳвандлик моддалари бўйича махсус кимёвий кукунлар экспертизаларида ҳам ижобий натижаларни қўлга киритиб келишяпти. Улар чиқарган эксперт хулосалари ёрдамида қотиллик, босқинчилик, талончилик, ўғрилик ва бошқа жиноятлар қисқа муддатларда фош этилмоқда.

Мирзокул АҲАДОВ.
Навоий вилояти.

Суратда: майорлар Ҳаким Райимов ва Миркомил Бекназаров содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автомашинани кўздан кечирмоқда.

Муаллиф олган сурат.



учун олиб келди. Ходимлар машинани кўздан кечириб, автомобилнинг двигатель рақамларида шубҳа туғилганлиги сабабли экспертиза ўтказишни лозим топиди. Экспертлар ишга киришиб, ҳақиқатан автомобиль двигателидаги ишлаб чиқарилган завод томонидан урилган рақам-

ров. — Кўпинча калаванинг учини шундай ҳолатда топилади. Катта экспертлар, майорлар Ҳ. Райимов ва М. Бекназаров бунга доим амал қилиб, жиноятнинг очилишига катта ҳисса қўшишяпти. Шунингдек, вилоят ҳудудида ўтказиладиган оммавий тадбирлар чоғида жамоат

«1 1» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафтада республикамиз ҳудудида 271 та ёнғин содир бўлди. Рўй берган офатларда беш нафар фуқаро тан жароҳати олди. 1 миллиард 31 миллион сўмлик қурилиш материаллари, 802 миллион сўмлик моддий бойликлар ёнғиндан сақлаб қолинди.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида яшовчи Ж. Тўхтабоевнинг хонадонида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлди. «Тилсиз ёв» уйнинг томи, шифти ва жиҳозларини ёндириб, хонадон соҳибига каттагина миқдорда зарар етказди.

Электр симларининг эскириб, қисқа туташув рўй бергани Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро А. Фозилов хонадонидаги ёнғинга ҳам сабаб бўлди. Ёнғин бу хонадондан ташқари қўшни уйнинг том қисмини ҳам зарарлади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида яшовчи Ш. Жабборовнинг хонадонида эса оловдан фойдаланишда эҳтиётсизлик қилингани туфайли ёнғин келиб чиқди. Натижада уйнинг томи, шифт қисми ва бир қанча жиҳозлари ёниб кетди.

Бухоро вилояти Олот туманида истиқомат қилувчи фуқаро И. Жалилов молхона ёнига қурилган ўчоқни ёқиб, назоратсиз қолдиради. Оқибатда олов кучайиб, учқунлари молхонага ўтади. Кўп ўтмай содир бўлган ёнғин молхона томининг асосий қисмини ёндириб қулга айлантиради.

Хонадонлардаги электр симларининг яроқлилик муддати ўтиб кетгани қисқа туташувларга, бу эса, пировардида, ёнғинларга сабаб бўлаётгани юқорида келтирилган мисолларда яна бир бор акс этган. Шундай экан, эскирган электр симларини ўз вақтида алмаштириш. Шу билан бирга, газ ва электр жиҳозларидан тўғри фойдаланиш, очик оловдан фойдаланишда эътиборсиз бўлманг!

Жалолiddин ҲАКИМОВ,
майор.

ЛОҚАЙДЛИК — ЖАМИЯТНИ ЕМИРАДИ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари корхона ва ташкилотларда, ўта муҳим ҳамда тоифаланган объектларда, аҳоли турар жойларида ёнғинларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдек ғоят масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб келишмоқда. Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ ЁХГ ходимлари ҳам ёнғинларнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли тадбирларни олиб боришяпти. Белгиланган режа асосида ўтказиладиган бундай профилактик тадбирларга қарамасдан, айрим фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қодаларига риоя қилмаётгани аниқланмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 38 та корхона ва ташкилот, 94 та йўловчи вагоннинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ёнғин хавфсизлиги қодаларини кўпол равишда бузган жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий тартибда қонуний чоралар кўрилди. Йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан тегишли ташкилот раҳбарларига тақдимномалар юборилиб, унинг ижроси назоратга олинди. Носоз ҳолатда бўлган электр мосламалари манбадан ажратилди. Бундай профилактик тадбирлар ўзининг ижобий самарасини берди.

— Лоқайдлик, эътиборсизлик инсон табиатидаги хавфли иллатлардан биридир, — дейди Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ ёнғин хавфсизлиги гуруҳи катта инспектори, кичик сержант Зоиржон



Рўзметов. — Бунинг оқибатида турли нохуш ҳолатлар келиб чиқади, хусусан, ёнғинлар содир бўлади. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун жойларда кўплаб учрашувлар, суҳбатлар ўтказдик. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилдик. Бундай саъй-ҳаракатларимиз бе-

самар кетмади. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ҳудудимизда ёнғин содир бўлиши қайд этилмади.

Ёнғинларнинг олдини олишда соҳа ходимларининг касбий маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Шу боис шахсий таркибнинг касбий ва жанговар тайёрлигини

ошириш мақсадида белгиланган режа асосида ўқув-амалий машғулотлар олиб борилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги гуруҳи хизмат автомашинаси, замонавий алоқа воситалари ва зарур жиҳозлар билан таъминланган. Хизмат хоналари қайта таъмирланиб, барча шароитлар яратилган. Бундай имкониятлар хизмат самарадорлигини ошириш, юзага келиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда хизмат нарядларининг тезкорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Худойберган РАЗЗОҚОВ.

Хоразм вилояти.

Суратда: Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ ЁХГ катта инспектори, кичик сержант Зоиржон Рўзметов хизмат пайтида.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

Меҳнат қилишга иштиёқманд киши ҳаётининг ҳар кунини мазмунли ўтказишга, хайрли ва савоб ишларни амалга оширишга интилади. Саксон ёшни қаршилаётган истеъфодаги майор Қодир Солаев ҳам ана шундай инсонлардан бири.

– Хизматни 1963 йил Урганч шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлини масида инспектор вазифасидан бошлаганман, – дея ёшлик чоғларини эслайди отахон. – Хизмат жойимизда стол-стуллардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Хатто ходимларимиз ёзиш учун қоғоз ҳам тополмасди. Бўлинмамиз ихтиёрида учта мотоцикл бўлиб, улар ёрдамида ходимларни кўриқланаётган масканларга олиб бориш ва олиб келиш, хизмат фаолиятини назорат қилиш, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойга махсус гуруҳни ўз вақтида етказиш каби муҳим вазифалар амалга оширилди.

Бугунги дориламон кунларни кўриб, кўзинг қувнайди. Ички ишлар идоралари тизимидаги барча соҳавий хизмат ходимлари етарли шароитларга эга бўлган алоҳида эътибор қаратди. Ўз касбига фидойилик билан ёндашаётган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириб борди. Бўлинма бошлигининг бундай иш юритиши хизмат самарадорлигининг ошишида муҳим омил бўлди.

ярашган алпқомат, жасур йигитларимизни кўриб, гурурланиб кетаман. Улар Мустақиллик туфайли эришилган бундай тўқис шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз хизмат фаолиятини ҳушёрлик билан олиб боришмоқда. Юртимизда тинчлик ва осойишталик таъминланишида, иқтисодий жиҳатдан юксалишида ўзларининг салмоқли ҳиссасини кўшмоқдалар.

Оғир дамлар ва иш шароитининг йўқлигига қарамасдан Қодир Солаев кўриқлаш бўлини масида узоқ йиллар сидқидилдан хизмат қилди. Айниқса, бўлинмага раҳбарлик қилган даврларида ходимларнинг хизмат шароитларини яхшилаш, уларнинг касбий маҳорати ҳамда жисмоний тайёргарлигини ошириш, кўриқланаётган масканлар сонини янада кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Ўз касбига фидойилик билан ёндашаётган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириб борди. Бўлинма бошлигининг бундай иш юритиши хизмат самарадорлигининг ошишида муҳим омил бўлди.

БУ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИ БЕБАҲО — дейди Қодир ота Солаев



У кишининг истеъфодаги чиққанига ҳам кўп йиллар бўлди. Айни кунда фахрийлик гаштини суриш билан бир қаторда ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ёш ходимларга ўзининг бой ҳаётий тажрибаларидан сўзлаб беришни қанда қилмайди. Шунингдек, вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши томонидан шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида, соҳавий хизматларда, таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирларда ҳам фаол ишти-

рок этиб, ёш ходимларни касбга садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларга муносиб ҳисса кўшмоқда.

– Қодир ака Солаевнинг тажрибалари ёш ходимларимизнинг хизматларида асқотаётганидан фахрланамиз, – дейди истеъфодаги майор Комил Тожиев. – Соҳа фахрийси фаолияти давомида жуда кўплаб хайрли ишларни, илғор ташаббусларни амалга оширди. Ўз касбига садоқат билан

хизмат қиладиган ўнлаб шогирдлар тарбиялади. Шаҳар ҳудудида содир этилган жиноятларни фох этишда фаол иштирок этди. Ҳаётини юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашдек шарафли касбга бағишлаган бундай фидойи инсон, меҳрибон устоз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Машаққатли меҳнатнинг меваси ширин бўлади, дейишади. Узоқ йиллар юрт осойишталигини таъминлашдек шарафли соҳада фао-

лият кўрсатган истеъфодаги майор Қодир Солаев айни кунда турмуш ўртоғи Пошшажон она билан фарзандларига, неварая чевараларга бош бўлиб, кексалик даврининг ширин дамларини мазмунли ўтказишмоқда.

– Шу заминда туғилиб ўсганимдан, яшаётганимдан жуда бахтиёрман, – дейди отахон. – Ўз фуқаролари ҳақида қайғурадиган бундай юртни дунёнинг ҳеч бир жойидан тополмайсиз. Мамлакатимизда гўдаклардан тортиб, ёши улуг инсонларгача иззат-хурматда. Биргина кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг чек-чегарси йўқ. Ёшларимиз, халқимиз инсон омили устувор бўлган мана шундай юртда яшаётгани билан фахрланиб, унинг эртаси учун қайғуришларини истайман. Зотан, улар шундай бўлишлари учун етарлича шароитлар яратиб берилган.

Х. РАЗЗОҚОВ.
Хоразм вилояти.

Суратда: истеъфодаги майор Қодир Солаев неваралари даврасида.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

Қонунчилик тарғиботи

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 3-моддасида жиноят қонунчилиги қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланиши қайд этилган. Қонунга мувофиқ, шахс белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига кўра, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шартдир.

Ушбу нормалар амалиётда ўз ижросини топиб борса, халқнинг давлатга, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончи ортиб бораверади. Бунинг акси эса, давлатнинг обрўйига путур етказиб, одамларнинг норозилигига сабаб бўлади.

Жиноят содир этган шахсларнинг қонун олдида жавоб беришини, жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва айб учун жавобгарликни

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

амалда тўлиқ таъминлаш мақсадида тегишли чоралар кўриляпти. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудида жиноят содир этиб, жавобгарликдан қочиб чет мамлакатларга яширинган шахсларни ушлаш ва қилмишлари учун қонун олдида, қолаверса, халқ олдида жавоб беришни таъминлаш учун бир қатор давлатлар билан ушлаб бериш, жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва маҳкумларни топшириш тўғрисида келишувлар ҳамда шартномалар тузилмоқда.

Мана шундай шартномалардан бири Бирлашган Араб Амирликлари билан 2014 йил 11 ноябрь куни Абу Даби шаҳрида тузилган эди. Жорий йилнинг 21 май куни Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартномани (Абу Даби, 2014 йил 11 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани

(Абу Даби, 2014 йил 11 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Шартномани (Абу Даби, 2014 йил 11 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома кўра, ҳуқуқий ёрдам томонларнинг сўровига асосан сўралаётган томоннинг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилиб, шахслардан кўрсатув ёки аризалар олиш; ҳужжатлар ва далилларни тақдим этиш; ҳужжатларни топшириш; қамоқда сақланаётган шахсни кўрсатув бериш учун вақтинча топшириш; тинтув ўтказиш ва хатлаш тўғрисидаги сўровларни бажаришни ўз ичига олади. Шартнома иккала давлатнинг ваколатли органларига ҳуқуқий асосларга кўра жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги масалаларни уларнинг миллий қонунчилиги билан тартибга

солиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳал этиш имконини беради. Энг муҳими, икки томонлама ҳуқуқий ҳамкорликнинг самарадорлигини янада оширишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартномада (Абу Даби, 2014 йил 11 ноябрь) ушлаб бериш соҳасида давлатлараро алоқа қилиш тартиби, ушлаб бериш тўғрисидаги сўровнинг мазмуни ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар; ушлаб бериш мажбурияти, ушлаб бериш учун асос бўладиган жиноятлар, ушлаб берилаётган шахсни топширишнинг тартиби ва шартлари, ушлаб беришнинг кечиктириш ва шартли ушлаб бериш; махсус қоғазлар, мол-мулкни топшириш, такроран ушлаб бериш, транзит, ҳамкорликнинг мазкур соҳасига доир бошқа масалалар бўйича аниқ тартиб ва қоидалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Шартномада (Абу Даби,

2014 йил 11 ноябрь) эса ҳукм чиқарилган давлат ҳудудида жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилган бошқа томон фуқаролигига мансуб шахсларни улар фуқароси ҳисобланган давлатга жазони ўташ учун топшириш асослари ва шартлари кўрсатиб ўтилган.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан шу кунга қадар Хитой Халқ Республикаси ва Покистон Ислон Республикаси билан ушбу масалаларга доир шартномалар имзоланган. Ҳозирги кунда ана шундай шартномаларни имзолаш юзасидан Испания қироллиги билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Юқоридаги каби ҳужжатлар тобора ривожланиб, тараққий этиб бораётган ҳозирги замон билан ҳамнафас яшаш ва унинг турли салбий таъсирларидан, жиноий таъжовуларидан ҳимояланиш учун ниҳоят зарур ҳисобланади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак, бунинг учун курашишимиз зарур.

Қамолитдин РАҲИМОВ,
ИИБ ИХҲК ва ЮТБ
бўлим бошлиғи ўринбосари,
майор.

Саломатлик сабоқлари

Кўпчилик меъёрдаги қон босими деган-да 120/80 мм симоб устунини тушунади. Аслида, бу рақамлар елка артериясидаги босимни кўрсатади ва бу кўрсаткич тонометрдан айнан елка соҳасида фойдаланиш қулай бўлгани учун ҳам меъёр деб қабул қилинган.

Айрим кишиларда артериал босим 120/80 дан бирмунча фарқ қилиши мумкин. Шу боис одам дори қабулида хато қилмаслик мақсадида ўзидаги оддий, ишчи (унинг учун меъёр саналган) қон босимини билиб қўйиши керак. Бу машхур 120/80 рақамларидан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Буни, айниқса, гипертоник кризда ҳисобга олиш муҳим. «Меъёр» деганда соғлом ҳолатдаги одамнинг саломатлигидан ҳеч қандай шикоят бўлмаганда артериал босим даражаси муайян катталиқда бўлиши тушунилади.

Ҳозирги вақтда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотга кўра, 140/90 дан ошган кўрсаткич юқори артериал босим ҳисобланади. Қачонлардир 40 ёшдан ошган инсонлар учун 140/90 дан юқори қон босим меъёр саналган. Уша пайтда улар бу рақамларни артериал гипертония деб ҳисоблаш мумкин эмас деб ўйлашган.

Бироқ кейинчалик қон босими кўрсаткичи 140/90 бўлган 40 ёшли одамлар орасида тадқиқот ўтказилган. Уларни икки гуруҳга ажратишиб, бирига гипертонияга қарши дори ичиришган, иккинчисига ҳеч нима беришмаган. Натижалар дори қабул қилганларнинг дори ичмаганларга қараганда ўзларини анча яхшироқ ҳис эта бошлаганини кўрсатган. Уларда бемажоллик, бош айланиши ва юқори қон босимидан дарак берувчи бошқа нохуш аломатлар қайд этилмаган.

Хулоса шуки, 40 ёшдан кейин қон босими 140/90 ни кўрсатса ва ўзингизни унчалик яхши ҳис қилмасангиз (бош тез-тез оғриси), шифокорга шошилиш.

Артериал босим каср чизиғи билан ажратилган иккита рақам билан ифодаланади. Биринчи рақам – бу юқори босим ёки систолик. Иккинчи кўрсаткич – пастки босим ёки диастолик. Шунингдек, улар юрак ва буйрак босимлари деб ҳам аталади.

Биринчи кўрсаткичда юракнинг қонни чап қоринчадан томирларга қараб ҳайдаётган куч тушунилади. Одатда юрак қанча тез урса, артерия қон томирларида босим шунча юқори бўлади.

Бироқ ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди. Лекин артериал гипертонияда одатда юрак уриш тезлиги ошиб кетади. Шок ҳолатида эса артериал босим бирдан пасаяди, юрак эса тезроқ ура бошлайди. Бу компенсатор реакция саналади.

Иккинчи кўрсаткич томирлар тонусига ишора қилиб, юрак диастолида мавжуд бўлади (яъни юрак қисқармаган пайтда). Қон томир деворлари уч қаватдан иборат: ички, мушак ва ташқи. Фақат мушаклар қатлами томирлар тонуси билан таъминлайди.

Шунингдек, томирлар тонусига (яъни пастки босимга) буйраклар фаолияти таъсир кўрсатади. Агар уларда қандайдир муаммо юзага келса, кўп миқдорда ренин ажралиб чиқа бошлайди. Натижада қон босими кўтарилади. Ренин – биологик фаол модда бўлиб, артерия деворлари мушаклар тонусини оширади.

ҚОН БОСИМИГА НИМА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?

Организмимизда артериал босим доимо ўзгариб туради ва унга кўпгина омиллар таъсир кўрсатади.

Агар ҳаво иссиқ ва дим бўлса, артериал босим пасайиши мумкин. Негаки, организм кўпроқ суюқлик ажратади, томирлар асосан илиқлик бериш мақсадида рефлектор равишда кенгайди. Шунинг учун қишда қон босими ёздагидан кўра юқори бўлади.

Тунда қон босими тахминан 10-20 фоизга пасаяди. Артериал босимни асаб тизими ва гормонал чиқитлар назорат қилади. Ухлаётганда, одам тинчланганда қон босими пасаяди, уйғонганда ёки стресс вақтида шу заҳоти кўтарилади.

Эмоционал ҳолат артериал босимга жуда кучли таъсир қилади. Кучли эмоцияларда қонга буйраклар ишлаб чиқарган стресс гормони – адреналин ажралиб чиқади. На-

ҚОН БОСИМИ

Тонометрда «120/80» рақамларини кўргач, бу инсон соппа-соғ экан, деган хулосага келамиз. Аслида ҳам шундаймикин? Бизнинг давримизда бундай одамлар сони камайиб кетди. Агар қон босимингизда муаммо бўлса, мавзунини эринмасдан охиригача ўқиб чиқинг. Шунда сиз қон босимини ўлчаётганда биринчи ва иккинчи рақам нимани аниқлашини, нима учун ёш ўтган сари қон босими ўзгариши, юқори артериал босим қандай касалликларга сабаб бўлиши ва унинг олдини олиш, қон босими пасайиб кетганда нега кўз олди қоронғилашиши ҳақидаги саволларга жавоб топасиз.



тижада юрак тезроқ ва кўпроқ ура бошлайди, шунингдек, томирлардаги қон босими кўтарилади. Бундан ташқари, қон босими кўтарилишига буйрак усти безларининг бошқа бир гормони – кортизол ҳам таъсир ўтказади. У адреналиндан фарқли ўлароқ тескари – тинчлантирувчи таъсир кўрсатади. Шу тариқа артериал босим даражаси пасаяди.

Одам фаол ҳаракатланганда ёки оғир жисмоний меҳнат қилганда артериал босим юрак уриши билан бирга кўтарилади.

Шунингдек, қон босимига ортостатик эффект ҳам кучли таъсир кўрсатади. У горизонталдан вертикал ҳолатга кескин турганда қайд этилади. Бундай вазиятда юрак ва томирлар тонуси янги шароитга тез мослаша олмай қолади ва қон босими пасайиб кетади. Шу боис одамнинг кўз олди қоронғилашиши ёки эти жимирлаб кетиши мумкин. Бу, айниқса, гипотоникларда яққол намоён бўлади. Юрак нуқсонли бўлган кишиларда эса бу ҳол тез-тез кузатилади.

Инсон ўзидаги қон босимни назорат қилиб бориши учун тонометр харид қилиши лозим. Бу борада қуйидаги маслаҳатларимиз асқотади.

Тонометр деб қон босимини ўлчовчи асбобга айтади. Уни харид қилишдан олдин, яхшиси, шифокор билан маслаҳатлашинг. Негаки, дорихоналарда сизга етарлича маълумот бермасликлари мумкин. Тонометрни танлаётганда ўз саломатлигингиз ҳолати, шунингдек, нима мақсадда олаётганингизни инобатга олинг. Масалан, аритмияси бор кишилар учун махсус модель, хомилдорларга эса оддий асбоблар қўл келмаслиги мумкин. Кўзи яхши кўрмайдиганларга мўлжалланган шундай тонометрлар борки, улар ўлчов натижаларини товуш орқали маълум қилади.

Қон босимини ўлчовчи асбобларни қуйидаги асосий таснифларга ажратиш мумкин: симболи, механик, ярим автоматлаштирилган, автоматлаштирилган ва билакли тонометрлар.

ҚОН БОСИМИНИ ТЎҒРИ ЎЛЧАНГ

Кўпчилик артериал босимни тўғри ўлчаш кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ахир, қон босимини ўлчаётган вақтда қай ҳолатда бўлишингиз ва ўзингизни қандай тутишингиз кўрсаткич аниқлигига таъсир этмасдан қолмайди. Шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, асбоб юқори қон босимини кўрсатади, лекин у қисқа фурсатли бўлади. Бундай вазиятда бекорга дори ичганингиз қолади.

Артериал босимни беш дақиқалик ҳордикдан сўнг тинч ҳолатда ўлчанг. Мабодо, асабийлашган ёки жисмоний меҳнат билан шуғулланган бўлсангиз, қон босимини ўлчашдан олдин 15 дақиқа дам олинг. Хона илиқроқ бўлиши зарур. Яна қон босимини ўлчаётганда қулай ҳолатда ўтириш, оёқлар полда туриши, манжет тақилган қўл столда бўлиши муҳим. Диабетда ва кекса ёшда, яхшиси, қон босимини тик турган ҳолда ўлчаш керак. Артериал босимни ўлчашдан 30 дақиқа олдин чекманг, 1 соат олдин эса қаҳва ёки қуоқ чой ичманг ва умуман, ҳеч нима еманг. Ўлчашдан олдин ҳаракат қилманг ва гаплашманг, кафларингизни мушт қилманг. Бунда кийим қўлни сиқмаслиги керак. Артериал босимни ётган ҳолда ҳам ўлчаса бўлади. Фақат бунда манжет тақилган қўл юрак сатҳида бўлиши зарур. Ҳар қандай ҳолатда қон босимини ўлчаётганда қўл мушакларини бўш қўйинг. Тонометр манжетини юрак сатҳида елкага қўйинг, унинг пастки қисми тирсақнинг букиладиган жойидан 2 см тепароқда бўлиши лозим. Қон босимини ўлчаётганда манжетни ушлаб турманг. Акс ҳолда, бармоқлар ҳаракати кўрсаткич аниқлигига таъсир қилиши мумкин.

ҚОН БОСИМИНИ ТУШИРУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

Қовоқ эти моддалар алмашинуви яхшиловчи восита сифатида қўлланилади. Қайнатилган қовоқни асал билан ейиш, янги сиқилган шарбатлар билан ичиш, шунингдек, бу сабзавотни тоблаб пишириш мумкин. Қовоқ пешоб ҳайдаш хусусиятига эга, гипертония аломатларини йўқотади, шу билан бирга, буйрак тўқимасига қўзғатувчи таъсир кўрсатмайди.

Бодринг ҳам таркибида сув кўплиги бўйича жуда фойдали саналади. Бироқ бу сув оддий эмас, биологик фаолдир. Унинг таркибида озрок минерал туз бўлиб, у ўзаро жуда яхши чиқишади. Бутун организмга яхшиловчи таъсир кўрсатади, буйраклар ишини яхшилайди, қон босимини меъёрлаштиради. Айниқса, таркибида калий (141 мг/100 г) муҳим роль ўйнайди.

Гипертоникларга ҳар қандай мева-сабзавотлар фойдали. Чунки уларнинг таркибида калий мавжуд. Лекин шунга қарамай, банан, узумни кўп ейиш мумкин эмас. Калий мева-сабзавотлардан ташқари дуккаклилар, ёнғоқлар, қуруқ мевалар таркибида ҳам бор.

Ўсимликлардан тайёрланган таомларнинг яхши томони шундаки, уларнинг тар-

кибида холестерин мавжуд эмас. Уларда организмни тозалашга ҳамда озишга ёрдам берадиган клетчатка бисёр. Лекин уни тузсиз истеъмол қилган маъқул.

Ҳар қандай **балиқ**ни пўстисиз ейиш муҳим. Айниқса, денгиз балиғи томир касалликлари хавфини камайтиради. Шунингдек, гипертония ва ишемик хасталикларда балиқ ейиш қони фойда. Ёғли балиқ таркибидаги тўйинмаган ёғ кислоталари (омега-3) холестерин тўпланишига йўл қўймайди.

Омега-3 ёғ кислоталари зиғир уруғи ва кўпгина ўсимлик ёғлари таркибида бор. Магний етишмовчилиги ҳам қон босими ошишига сабаб бўлади. Дуккакли маҳсулотлар, яшил сабзавотлар, ёнғоқ ва пистани кўпроқ истеъмол қилинган.

Ҳар куни бир бўлак **саримсоқ**ни эсангиз, қон босимини туширади. Уни таомга қўшиб эса ҳам бўлади. Ундан кейин қоладиган бадбўй ҳидни петрушкани чайнаш орқали йўқотиш мумкин.

Гипертониклар ҳар куни кальций қабул қилиб туришлари лозим. Сут маҳсулотлари, балиқ, кунжут еб туринг.

ГИПЕРТОНИЯ НИМА ДЕГАНИ?

Илгари гипертоник касаллик деган тушунча бўларди. Ҳозир Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мезонларига кўра, касалликнинг бошқа номи ишлатилади – артериал гипертония ёки артериал гипертония.

Артериал гипертония – артериялар тизимида қон босимининг кўтарилиши. Нормал артериал босим юракнинг чап қоринчаси қисқарганда ҳосил бўлади. Бунда қон аортага тушиб, кичик артерияларга тарқалади. Босим катталиги томирлардаги қоннинг қўламага, артерия деворларидаги зўриқиб даражаси ва майда артериялар – артериоллар тонусига боғлиқ.

Гипертониядан эркаклар ва аёллар бир хил азият чекишмоқда. Одатда касаллик 40 ёшдан ошганда пайдо бўлади. Бу патология кўпинча, эркак ва аёллар орасида бир хил тарқалади. Сўнгги вақтларда гипертоник хасталиклар ёшларда ҳам учрамоқда.

Айтиш жоизки, паст қон босимли кишиларнинг ҳаммасини ҳам бемор деб бўлмайди. Кўпинча, қон босими паст кўрсаткичда бўлганда ҳам одамлар ўзларини ёмон ҳис қилишмайди ва меҳнат қобилияти ўзгармайди. Бундай гипотензия физиологик ҳисобланади. Бошқача айтганда, уларнинг қон босими организмга хос саналиб, ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди.

Қон босими айрим маҳсулотлар етишмовчилиги туфайли пасайиши ҳам мумкин. Масалан, одам тузсиз парҳезга ўтирса ёки кам оксил истеъмол қилса, шу ҳол кузатилади. Маскур муаммонинг пайдо бўлиши томирлар тонуси пастлиги ва нимжонлик, бош оғриғи, бош айланиши, нафас бўғилиши, ҳаво етишмаслиги каби аломатлар билан боғлиқ. Тана ҳарорати пасайиши, хотира сусайиши, ранг оқариши, жиззакилик пайдо бўлиши мумкин. Гипотоникларда кўпинча, гипотензив юрак-томир реакцияси учрайди.

Масалан, улар ҳаммом ва иссиқ ҳавони кўтара олишмайди, ётган ҳолатдан бирдан турганларида хушдан кетиш ҳолатини бошдан кечиришлари мумкин. Бу, айниқса, оч қолганда ёки яқиндагина уйғонганда ва каравотдан турганда содир бўлади.

Гипотоникларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, жисмоний фаол бўлганда, юганда, мушаклар ишлаганда аҳволлари яхшиланади. Бунинг ўзига яраша сабаби бор – гипотоникларда венанинг артерияга қараганда тонуси паст, лекин ҳажми катта бўлади. Тинч ҳолатда қон тўхтаб, веналарда тикилади. Шу туфайли юракдан отилиб чиқиш камайтирилади. Негаки, венадаги қоннинг юракка қайтиши бирмунча кечикади. Жисмоний фаолликда эса қоннинг қайтиши тезлашади. Чунки мушаклар қисқариши орқали қонни юракка ҳайдайди.

Шунингдек, гипотонияда қон кўпинча, ички аъзолар – ошқозон, жигар, ичакларда тўпланиб қолади, натижада мия озуқа олмайди ва хушдан кетишдан олдинги ҳолатга сабаб бўлади.

Шоҳида ИСРОИЛОВА.

Оқ ароқнинг қора қилмиши

ЖАНЖАЛГА АЙЛАНГАН ЗИЁФАТ

Ичкилик – иллат. У ҳамма замонларда ҳар доим инсонларга кулфат келтирган. Энг ёмони, ичкиликбозлик нафақат спиртли ичкиликка ружу қўйган кишига, балки унинг оиласига, бутун жамиятга зарар етказди. Зеро, халқ мақолларидан бирида шундай дейилади: «Ароқ билан саломлашган ақл билан хайрлашади». Дарҳақиқат, шундай. Куйида хикоя қилинадиган воқеа буни яна бир бор тасдиқлайди.

Фарҳод (исмлар ўзгартирилган) туғилган кунини дўстлари даврасида нишонлашни ният қилди. Бу ниятини яқин дўсти Акмалга билдирди.

— Бугун туғилган куним. Ресторанда нишонласак, дегандим. Бошқа ўртоқларни ҳам чақирардик, нима дейсан?

— Жуда яхши ўйлабсан, ошна. Баҳонада дўстлар бир отамлашиб ўтирамиз, — деди Акмал ҳам қувониб.

Кечга яқин икковлон Фарҳоднинг машинасида Яккасарой туманида жойлашган ресторанига йўл олишди. Йўл-йўлакай кўнғироқ қилиб, Бунёд, Азиз исмли танишларини ҳам чақирди.

Азиз ўзига таниш бўлган қизни ҳам зиёфатга олиб борди. Қаддонлар даврасида базму жамшид авжига чиқди.



— Қани дўстлар, Фарҳоднинг соғлиғи учун оламиз, — деди бирови.

— Энди бахти учун кўтардик, — деди бироздан сўнг бошқаси.

Хуллас, шу кеча кўтарилган қадахлар бир-бирига уланиб, улфатлар ўзларини билмай қолгунча ичишди. Ресторанда янграётган шўх-шодон кўшиқлар ҳам уларнинг кайфиятига ҳамоҳанг бўлиб, гоҳ қичқириб қўйишар, гоҳ туриб ўйинга тушишарди. Уларнинг бу қилиқлари бошқаларнинг гашини келтира бошлади.

Тун яримлаб қолган бўлса ҳамки, ресторанда одам гавжум, кўпчилик маст, даврада чайқалиб ўйнардди. Улар орасида кўпол ҳаракатлар билан рақс тушаётган Акмал бир қўли билан Фарҳод-

ни, иккинчи қўли билан эса бошқа бир бегона йигитнинг бўйиндан кучди. Бундан жажли чиққан йигит унинг қўлини силтаб ташлади. Акмал эса бунга жавобан унинг кўксидан итариб юборди. Шундан кейин рақс майдонида жанжал бошланди. Бир чеккада чайқалиб турган Бунёд ҳам муштлашувга аралашди.

Бу ҳолатни кузатиб турган ресторанининг тартиб сақловчи ходимлари зудлик билан келиб, уларни тинчлантиришга уринишди. Бундан бирон-бир натижа чиқмагач, йигитларни ташқарига олиб чиқишди. Энди муштлашувнинг давоми ресторан эшиги олдида давом этди. Бунёд уларни ташқарига олиб чиққан ходимлардан бирининг юзига мушт тушир-

ди. Кутилмаган зарбадан ўзини йўқотган ресторан ходими кетма-кет тепки ва зарбалардан букчайиб қолди. Шу пайт Акмал ёнидан пичоқ чиқариб, унинг биқинига санчди. Мастлик оқибатида ақлини йўқотган, нима қилаётганини англай олмаган Акмал шеригига ёрдам бериш учун етиб келган иккинчи ходимнинг ҳам кўкрак қисмини пичоқ билан тилиб юборди.

Охир-оқибат кимдир ички ишлар идорасига кўнғироқ қилди. Воқеа жойига тезда етиб келган ички ишлар идоралари ходимлари жанжални бартараф қилишди. Жабрланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатилди.

Яхши кайфият билан бошланган зиёфатни жанжалга айлантирган Акмал ва Бунёд ички ишлар идорасига олиб келингандагина қилмишларининг оқибатини тушуниб етишди. Бироқ мастликда билмай қилдик, деган баҳоналари уларнинг айбини оқлай олмайди. Қилмишларига яраша жазоларини олишади. Муҳими, бундан сабоқ чиқарсалар, одамзодга не-не бахтсизликлар келтирган ичкиликка қайта бош эгмасалар, бас.

Дониёр ОТАБОВ,
катта лейтенант.
Иномжон РАҲИМХҲАЕВ,
сержант.

Тошкент шаҳри.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ОҚИБАТИ

Азал азалдан ота-боболаримиз, оқила момоларимиз фарзанд тарбиясига, айниқса, унинг маънавиятига, меҳр-оқибатлигига эътиборли бўлишган. Негаки, инсонда маънавият, меҳр-оқибат кучли бўлса, у ҳеч қачон, ҳеч қаерда ножўя хатти-ҳаракат қилмайди. Ака-ука, опа-сингил, қавму қариндош айнан меҳр-оқибат ришталари туфайли бир-бирларига мустаҳкам боғланадилар.

Бироқ ҳар кимда маънавият, меҳр-оқибат, инсонийлик турлича. Кимдир ўзининг маънавиятсизлиги билан бошқанинг кўнглини огритиб қўяди. Яна кимдир меҳр-оқибатли бўлишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Айримлар жоҳилликни одатий ҳол сифатида тушунадилар. Жоҳилликнинг меваси эса аччиқдир.

Бухоро шаҳрилик Азиз Маҳмудов (исм-шарифлар ўзгартирилган) муқаддам бир неча марта жиноят кўчасига кириб, қилмишига яраша қонуний жазосини олган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармади. У ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, ичкиликбозликка муккасидан кетганлиги оқибатида яна жиноят содир этди. Воқеа тафсилотларини Азизнинг ўзи суд залида шундай хикоя қилди:

«Акам Аъзамнинг ўғли Азамат билан унинг эшак аравасида Бухоро шаҳри атрофидаги дўконлардан картон ва қоғозларни йиғиб, макулатура цехига топшириб, тирикчилик қилардим. 2014 йилнинг ноябрь ойида акам Аъзамнинг уйига кўчиб ўтдим ва у билан бирга яшай бошладим. Акам ноғиронлик нафақасига чиққан бўлиб, ҳеч қаерда ишламасди.

2014 йил 28 декабрь куни эрталаб жияним Азамат билан картон бўлақлари ва йўл четидagi кесилган дарахтларнинг тўнкаларини аравага юклаб, соат 14.00 ларда уйга етиб келдик. Аравадаги ўтинни акамнинг уйи олдида тушириб, картон бўлақларини қайта аравага юклаб, макулатура йиғувчи Умид исмли тадбиркорга топширдик. Уша куни Умид топширган макулатураларим учун жами 29 минг

сўм пул берди. Уйга қайтаётим, Толиб исмли танишимнинг уйдан бир шиша ароқ ва газак учун шўр бодринг сотиб олдим. Кейин акамнинг уйига кирдик.

Хонтахта устига ёзилган дастурхонга газакларни қўйиб, Азамат ароқни очди. Шу орада акам келиб қолди ва биз билан ароқ ичди. Сўнг Азамат боши оғриётганини айтиб, кетиб қолди. Мен эса дам олгани чўзилдим. Бир пайт акам баланд овозда гапирётганини



эшитиб қолдим. Қарасам, янгам Ойсулов мени чақирапти. Ҳовлига чиқсам, акам оёқда туролмайдиган даражада маст. Янгам уни тинчлантириб, ухлатишимни сўради.

Акам азбаройи мастлигидан ўзини бошқара олмай, ҳовлисидаги темир бўлақлари устига йиқилиб, бошини уриб олди. Янгамга: «Ҳозирча акамнинг кўзига кўринмай туринг, ўзим уни ухлатаман», дедим. Акам менга: «Нега янганнинг тарафини оласан? Ҳозир бориб янгандан пул оламан, йўлимни тўсма!» деб дўқ урди. Бу ҳам етмагандек, жанжал кўтариб, мени ҳақоратлади. «Йўлимдан қоч, бўлмаса ҳозир сени ҳам янганни ҳам...», дея дастурхондаги пичоқни олишга уринди. Мен жажл устида акамдан олдин пичоқни олиб, унинг кўкрак қисмига бир марта санчдим.»

Ўз акасининг қотилига айланган ука жияни Ойсанамининг олдида бориб: «Отанг пичоқланган, қонга беланиб ётибди», дейди. Янғасига эса «Акам ўзини ўзи пичоқлаб ўлдирди», дея ёлғон сўзлайди.

Жиноят иши тафсилоти билан танишар экансиз, ака-уканинг бир бирига оқибатсизлиги, бемехрлигидан жисму жонингиз титраб кетади. «Нега бу мудҳиш воқеа юз берди?!» деган ҳақли савол туғилади. Ахир, улар бир ота-онанинг фарзанди эди-ку! Болалигидан бирга катта бўлишганди. Бир дастурхон атрофида меҳрибон ота-онанинг нон-тузини бирга баҳам кўришган эди. Нега энди бири иккинчисининг умрига зомин бўлди, жонига қасд қилди?! Бу саволга қисқагина қилиб «Ичкиликбозлик оқибатида» деб жавоб бериш мумкин, албатта. Тўғри, оқ ароқнинг қора қилмишига ҳаётда мисоллар кўп. Лекин ўша зормандани ҳеч ким мажбурлаб ака-уканинг оғзига қўйгани йўқ-ку.

Суднинг адолатли ҳукми ўқилди. Унга кўра Азиз Маҳмудов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига биноан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Бундан ташқари, «ўта хавфли рецидивист» деб топилди. Лекин жазо ҳар қанча қаттиқ бўлмасин, Аъзамни тирилтириб, оиласи бағрига қайтара олмайди. Азизнинг бу қилмишини жиянлари Ойсана ва Азамат, тул қолган янғаси Ойсулов кечира олмаслиги аниқ.

Мулоҳаза қиладиган бўлсак, ака ҳам, ука ҳам ёш эмас, балки ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, оқ-қорани таниган кишилар эди. Улар бу ёшда фарзандлари, набиралари, ўзидан кичик кўни-қўшниларига йўл-йўриқ кўрсатувчи, маслаҳат берувчи бўлишлари керак. Афсуски, бундай бўлмади...

Балки, Азиз ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилганида, катта ҳаётини тажрибага эга инсонлар билан бирга ишлаганида ичкиликбозликка берилмасмиди, қайтиб жиноят кўчасига кирмасмиди. Бу борада тегишли мутасаддилар йўлаб кўришлари, аҳолининг турли қатламлари орасида маънавий-ҳуқуқий тарғиботни янада кучайтиришлари, ҳар бир оиланинг дарду қувончидан, муаммоларидан хабардор бўлишлари зарур. Бу биринчи галда ҳудудий профилактика инспекторлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларидан ўз вазифаларига эътиборли бўлишларини тақозо этади.

Лукмон КОДИРОВ.
Лолахон МАНСУРОВА.

Бухоро вилояти.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган куйидаги шахслар Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда.



Орифжон ОЧИЛОВ КОЧИЛОВ. 1975 йилда туғилган. Жиззах вилояти Фаллаорол тумани Муқури қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «а» ва «б» бандларида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Исрофил Рустамович КОДИРОВ.



1990 йилда туғилган. Самарқанд вилояти Ургант тумани Қолдивожар қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Самарқанд вилояти ИИБга (0-366) 233-31-30 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган куйидаги шахслар Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.



Фахриддин Сайфиддинович КАЗАКБАЕВ. 1986 йилда туғилган. Пайариқ тумани Дўстларобод қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Жаҳон Эргашевич ХАЙИТОВ. 1975 йилда туғилган. Пайариқ тумани Тўпалос қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 173-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Бахтиёр Маматович ХОЛОВ. 1978 йилда туғилган. Пайариқ тумани Челақ шаҳри Беруний кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ИИБга (0-366) 425-16-48 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Спорт *** Спорт

Мамлакатимизда шарқ яккакураши турлари жадал ривожланмоқда. Айниқса, яккакурашнинг комбат айкидо йўналиши билан шуғулланувчи юртдошларимиз сони ортиб бораёпти. Жумладан, ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида спортнинг ушбу тури бўйича шуғулланиб, жаҳон, қитъа ва республика миқёсидаги мусобақаларда муносиб ютуқларга эришадиганлар ҳам талайгина. Бу, аввало, республика-мизда спортни ривожлантиришга бўлган катта эътибор натижасидир.

ОЛТИН МЕДАЛЬ

вакилларимизга Осиё кубоги мусобақаси йўланмасини тақдим этди

Яқинда Тошкентда ёшлар ва катталар ўртасида комбат айкидо бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда ички ишлар идораларидан ҳам спортчилар иштирок этди. Транспортдаги ИИБ Тошкент темир йўл бекати тармоқ ИИБ реабилитация маркази взвод командири, кичик сержант Элёр Отақулов мусобақада 60 кило-

граммми спортчилар сафида татамига чиқди. Дастлаб у хоразмлик полвон билан беллашиб, мағлубиятга учратди. Кейинги рақиби – фарғоналик спортчи ҳам унинг маҳоратига тан берди. Финалда эса пойтахт вакили билан куч синашди. Элёр ҳал қилувчи беллашувда ҳам турнирга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўргангани намойиш этди

ва мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, лейтенант Фирдавс Исамовнинг маҳоратига ҳам кўпчилик қўйил қолди. Вакилимиз дастлаб самарқандлик спортчи билан беллашиб, соф галабага эришди. Иккинчи рақиб пойтахтлик яккакурашчи бўлди. Ҳарчанд

ҳаракат қилмасин, у ҳам Фирдавсга бас кела олмади. Финал беллашувида Ф. Исамов Фарғона вилоятидан келган спортчига қарши татамига чиқди. Шуниси эътиборлики, бу икки рақиб илгари ҳам беллашган эди. Фирдавс рақибининг ҳаракатларини яхши билиб олгани учун уни енгишга кўп қийналмади...

Шундай қилиб, республика миқёсида ўтказилган нуфузли мусобақада ҳар икки вакилимиз олтин медаль билан тақдирланиб, Осиё кубоги мусобақасида иштирок этиш йўланмаларини қўлга киритди.

Қосимжон САТТОРОВ,
подполковник.

▼ Шахмат

ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Жанубий Кореянинг Су-вон шаҳрида шахмат бўйича 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Нуфузли мусобақада ёш шахматчиларимиз муваффақиятли иштирок этди.

Мусобақанинг ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида Жавохир Синдоров тўққиз имкониятдан 8,5 очко жамғариб, олтин медалга сазовор бўлди. У тўққиз турнинг биронтасида мағлубиятга учрамади. Шу тўғрисида саккизинчи турдаёқ чемпионликни нақд қилиб қўйди.

Ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда қатнашган Нодирбек Ёқуббоев чемпионатнинг бронза медали билан тақдирланди. У тўққиз партиянинг олтитасида галаба қозониб, иккитасида дуранг натижа қайд этди ва 7 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

Чемпионат доирасида рапид ва блиц шахмат бўйича ўтказилган «World Youth Mind Sports Fair» турнирида ҳам ёш спортчиларимиз муносиб қатнашди. Жумладан, рапид шахмат бўйича ўз ёш тоифаларида Жавохир Синдоров ҳамда унинг укаси Исломбек Синдоровга тенг келадигани топилмади. Ўн олти ёшгача қизлар ўртасидаги баҳсларда қатнашган Нилуфар Ёқуббоева эса бронза медали билан тақдирланди.



▼ Рейтинг

ДУНЁНИНГ ЭНГ СЕРДАРОМАД АЁЛ СПОРТЧИСИ



«Forbes» журнали энг кўп даромад топадиган аёл спортчилар рейтингини эълон қилди. Унга кўра, россиялик теннисчи Мария Шарапова кетма-кет ўн биринчи марта дунёнинг энг сердаромад аёл спортчиси деб топилди.

Мария Шарапова 2014 йилнинг июнидан жорий йилнинг шу даврига қадар қарийб 30 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад кўрган. Бунинг 6,7 миллион доллари мусобақалардаги иштироки, 23 миллион доллари эса ҳомийлик шартномалари учун берилган. Теннисчининг даромади бу гал ав-

валги бир йилликдагига нисбатан 4,8 миллион долларга кўпайган. Эътиборли жиҳати, дунёнинг энг сердаромад ўн нафар аёл спортчиси рейтингига етти нафар теннисчи жой олган. Жумладан, Серена Уильямс (даромади – 24,6 миллион доллар) иккинчи, Каролин Возняцки (14,6 миллион доллар) учинчи, Ана Иванович (8,3 миллион доллар) бешинчи, Петра Квитова (7,7 миллион доллар) олтинчи, Симона Халеп (6,8 миллион доллар) еттинчи, Агнешка Радванска (6 миллион доллар) ўнинчи ўринни эгаллаган.

▼ Дзюдо

Босния ва Герцеговина-нинг Сараево шаҳрида ўтказилган кадетлар ўртасида жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари совринли ўринларни қўлга киритди.

Мусобақанинг яккалик беллашувларида Диёра Келдиёрова 48 килограммгача бўлган вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Маҳоратли дзюдочиларимиз Жасур Содиков (-73 кг. вазн тоифасида) ва Шерхон Тўрабоев (-81 кг. вазн тоифасида)

ҲАМ ЯККАЛИК, ҲАМ ЖАМОАВИЙ БЕЛЛАШУВЛАРДА

бронза медалларига сазовор бўлди.

Жамоавий беллашувларда Арслонбек Тожиев, Беҳруз Омондавлатов, Фолибжон Сулаймонов, Жасур Содиков, Шерхон Тўрабоев, Оловуддин Жўрақулов, Шохруҳ Тўраевдан иборат терма жамоамиз Жазоир, Венгрия ва Франция терма жамоалари аъзоларидан устун келиб, учинчи ўринни эгаллади.



▼ Баскетбол

ГИЁҲВАНДЛИК МОДДАЛАРИ САҚЛАГАНИ УЧУН

Миллий баскетбол ассоциацияси клуби «Атланта Хоукс» жамоасининг 27 ёшли ҳужумчиси Майк Скотт 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Хориж оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, америкалик баскетболчи гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва истеъмол қилишда айбланмоқда. Маълум бўлишича, Майк Скотт жорий йилнинг июль ойида Жоржия штати Бэнкс округи полициячилари томонидан қўлга олинган. Ўша пайтда у йигирма ёшли укаси билан бирга ўз машинасида йўлга отланган. Полициячилар автомобилни тўхтатиб, текши-


ришганида, унинг салонидан 35 грамм марихуана ва салкам 11 грамм амфетамин гиёҳвандлик моддалари топилган. М. Скотт ушбу наркотик моддалар ўзига тегишли эканини, бунга укасининг алоқаси йўқлигини билдирган. Маълум вақтдан кейин баскетболчи 8 минг АҚШ доллари миқдоридagi гаров пули эвазига қўйиб юборилган.

Жоржия штати қонунларига кўра, Майк Скотт амфетамин моддасини сақлагани учун 15 йил, марихуана учун эса 10 йил, жами бўлиб 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Суд жараёни яна бир неча ойдан сўнг бўлиб ўтиши кутилмоқда.

▼ Футбол

ТЎПУРАР ДАРВОЗАБОН

«Миллионлар ўйини» – футболда дарвозабонларнинг тўпурақлик қобилиятини намойиш этиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Шунга қарамасдан бу борада кўплаб ҳужумчилар ҳавас қилса арзийдиган натижаларга эришган голкиперлар ҳам бор.



Ана шундай дарвозабонлардан бири Бразилиянинг «Сан-Паулу» клуби аъзоси Рожерио Сендир. У яқинда рақиб жамоа дарвозасига ўзининг 130-голини киритди. Дарвозабон мамлакат чемпионатининг ўн саккизинчи туридан ўрин олган «Фигейренсе» жамоасига қарши кечган ўйиннинг 27-дақиқасида белгиланган пенальтини аниқ ижро этди. Шу тариқа 42 ёшли дарвозабон бу борада мутлақ рекордчига айланди.

Дарвоқе, яна бир тўпурақ дарвозабон парагвайлик Хосе Луис Чилаверт фаолияти давомида 62 та тўп киритишга муваффақ бўлган.

Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

Ибратли ҳикоят

ЭНГ УЛУҒ ФАЗИЛАТ

Қадим замонда бир мўътабар одамнинг уч ўғли бор эди. Бир куни уларни ўз хузурига чақириб:

— Ўғилларим, сизларни синамоқчиман, бир ой саёҳат қилинг. Шу бир ойлик умрингизни халққа фойдали, яхши ишларга сарф этинг. Қайси бирингизнинг қилган яхшилигингиз энг улуг фазилат касб этса, бармоғимдаги мана шу қимматбахо узукни унга бераман, — деди.

Ўғиллари ҳар тарафга тарқалиб, саёҳатга чиқиб кетдилар. Бир ой саёҳат қилиб юриб, яна оталарининг хузурига қайтиб келдилар. Ота катта ўлидан сўради:

— Ўғлим, шу бир ой ичида қандай улуг фазилатли яхшилик қилдинг?

— Отажон, бир куни танҳо ўзим бир боғ кўчасидан ўтиб кетаётсам, бир ерда жуда ҳам қимматбахо олмос тушиб ётган экан. Уни олиб дарҳол тегишли маъмурларга топширдим. Маъмурлар бошлиғи менга ташаккур айтиб, қўлимга мана шу тақдирномани ёзиб берди, олмоснинг эгасини топтириб унга топширди. Шу қилган ишим тўғрилигимга бир далил, шу ҳаракатим энг улуг фазилат эмасми, — деб жавоб берди катта ўғли.

Отаси айтди:

— Жуда тўғри иш қилгансан, ўғлим, виждоний вазифангни адо этгансан. Лекин ўша олмос сенинг хусусий мулкинг эмас-ку.

Кейин ўртанча ўғли сўзга киришди.

— Мен бир куни катта ариқ ёнидан кетиб борардим. Шу чоқда бир ёш бола сувга тушиб кетиб, ҳалок бўлиш хавфи остида эканини кўриб қолдим. Дарҳол ўзимни сувга ташладим, кўп машаққат чекиб болани сувдан олиб чиқдим. Шу билан уни ўлимдан қутқазиб, ота-онасига эсон-омон топширдим. Ота-онаси мендан кўп миннатдор бўлиб, ҳақимга дуойи хайр қилдилар. Ҳаётим кўрқинч остида қолса ҳам ёш болани ўлимдан қутқазиб учун қилган шу ҳаракатим билан мукофотингизга лойиқ бўлсам керак, деб ўйлайман.

Отаси ўртанча ўғлининг қўлини ушлаб:

— Офарин, ўғлим. Сени табриклайман, шу гўзал ишинг тўғрилигини қалбинг завқ-шавқ билан тўлганини ҳис этгансан, шунинг ўзи мукофот эмасми? — деди.

Кейин кичик ўғли отасига таъзим қилиб айтди:

— Отажон, менга доимо душманлик назари билан боқиб, за-

рар етказиб юрган бир одам бор. Мен унга ҳеч бир ёмонлик қилмаган бўлсам ҳам, у пайимда юради, ҳатто мени ўлдириш учун фурсат кутади. Кеча ўша душманнинг жуда чуқур бир жар ёқасида ухлаб ётганини кўрдим. Агар уйқусираб бир ёндан иккинчи ёнга ағдарилса ёки қаттикроқ товуш чиқариб уйғотилса, туришига ҳаракат қилиб жарга кулаб тушиши мумкин эди. Мен товуш чиқармасдан, секингина юриб унинг ёнига бордим. Жуда эҳтиётлик билан уни ушлаб, аста-секин ўз томонимга торта бошладим. Анча берига келиб хавф-хатардан қутулгандан кейин руҳим кўтарилди, шодланиб йўлимда давом этдим.

Отаси ўғлининг бу гўзал ишидан, олижаноблигидан шодланиб кўзига ёш олди, уни кучоқлаб, юз-кўзидан ўпиб:

— Бор бўл, ўғлим, яша, умринг узоқ бўлсин! Мукофотимни олишга сен ҳақлисан, чунки дунёда энг улуг фазилат ёмонликка яхшилик қилишдир, — деб қимматли узугини ўғлининг бармоғига кийгизди, унинг ҳақиқа дуо қилди.

Байт:

*Отанг эрдир,
сен ҳам эрдек қилиқ қил,
Ёмонлик айлаганга
яхшилик қил.*

Мақсадли сармоя куйиш					1	Хамрох		Мансаб	
	Сайёра	Намлиқ захлик	Абадий	Грециянинг юнонча номи	Кунданланг улчам	Забон		Тупроқшунос олим	
		2		Мушиқасари					
	Гулшираси	Тропик дарахт	Спортчи ҳаракати			Соп, даста		3	
	Тиниқ шаффоф (китобий)				Халқ рақс куйи			Хоразм вилояти тумани	
	Ботқоқлик ўсимлиги				Америкадаги шаршара	4			
5				Рус ёзувчиси		Довул, пўртана (голланд)	Турфрангдаги тоғлик	Кўрсатиш оломиши	Уя
	Қўли очик, мард	Куюниш		Қадимги Амурдарё	Фаолият раҳбари	6			
	Улуғвор кўриши	7				Геометрик шакл	Дон маҳсулоти		
	Ёқимли товуш	Мичиган буйидаги шаҳар	8			Махфий яширин	Хитойдаги шаҳар	Йиртқич ҳайвон	Кимёвий ўғит ашёси
	Тур, хил			Вьетнамдаги дарё					
Маъмурий худуд				Мушкул ҳолат				Ҳарбий кўшин	
			Аёллар исми			Мўътабар зот	9		
Инглиз адаби		10			Техника воситаси	Чин, ҳақиқат		Биринчи нота	
		Туркиядаги кўл	Фурсат, лаҳза	Моҳир ошпаз	11				
			Ақл-идрокли	Краснодардаги шаҳар		Қаъий мақсад	Шахмат донаси		
КАЛИТ СЎЗ 4 7 9 1 6 10 5 11 3 8 2									

Хусан ОРИПОВ тузди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ЁХБ 3-ҲҲО командири, подполковник Сайфулла Муродовга онаси

ШИРИН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма молия-иқтисод бўлими бухгалтер-газначиси, катта сержант Шухрат Шойимовга падари бузруквори

ОЛИМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚҮЙ



Ҳафтанинг бошида ишларингиз ўйлаганингиздек кечадди. Меҳнатингиз самарасини кўрасиз. Лекин бошқаларни алдаш орқали муваффақиятга эришган бўлсангиз, бу узоқ давом этмайди. Барча ютуқларингизни бой беришингиз, мавқеингизни қўлдан чиқаришингиз мумкин.

СИГИР



Ҳаётингизни яхшилаш учун курашингизга тўғри келлади. Молиявий ишларга эҳтиёткорлик ва қатъиятлик билан ёндашингиз мақсадга мувофиқ. Моддий аҳволингиз барқарор, шунга қарамай ортиқча пул сарф қилманг, бошқалардан қарз олманг. Ҳафтанинг охирига келиб сизга омад кулиб боқади – барча муаммоларни ҳал этишга эришасиз.

ЭГИЗАКЛАР



Ҳафта сиз учун омадли келади. Янги гоғлар, режалар туғилади, янги йўналишларда фаолият бошлайсиз. Кучқувватингиз, ғайратингиз билан ҳар қандай қийинчиликни енга оласиз. Буларнинг барчаси моддий аҳволингизга ижобий таъсир кўрсатади.

ҚИСКИЧБАҚА



Бошқаларнинг ёрдамисиз ўзингиз нима хоҳлашингизни тушуниб етинг, чунки бунда сизга деярли ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Аксинча, ўзгаларнинг маслаҳати ўзингизни англашингизга ҳалақит беради. Ҳафтанинг ўрталарида иш фаолиятингизда ўзингизни ижобий томондан намоён қила оласиз. Бу раҳбариятнинг эътирофига сазовор бўлиб, моддий рағбатлантирилишингизга асос бўлади.

АРСЛОН



Ҳаётингизда юз берган ёқимсиз воқеа-ҳодисалар тўғрилиги ўзингизни тушун ҳис қиласиз. Шунинг учун иложи бўлса саёҳатга чиқинг, кайфиятингиз кўтарилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида бошқалар билан ўртангизда манфаатлар тўқнашуви келиб чиқади. Бу жиддий зиддиятли ҳолатларга сабаб бўлиши эҳтимоли бор.

ПАРИЗОД



Хоҳиш-истакларингиз билан хатти-ҳаракатларингиз бир-бирига мос келмайди. Бунинг натижасида ижобий натижага ҳам, кўнгил хотиржамлигига ҳам эриша олмайсиз. Истакларингизга зид ҳаракат қилманг. Атрофингизни қўршаб турган оламни борича қабул қилинг ҳамда ўзингизни тушуниб етинг. Шундагина қилаётган меҳнатингиз самарали бўлади. Хаддан ташқари кўп ҳаракат қилманг.

ТАРОЗИ



Ушбу ҳафтада содир бўладиган кўнгилсиз ҳодисалар биринчи навбатда эҳтиросларингиз билан боғлиқ бўлади. Севги, оилавий бахт борасида кўзланган натижага эриша олмайсиз. Китоб мутолааси билан банд бўлинг. Чунки бу ҳафта билимингизни бойитиш, малакангизни ошириш учун қулай пайт. Мансаб пиллапоярларидан кўтарилишингиз мумкин.

ЧАЁН



Фаоллик кўрсатишдан ўзингизни асранг. Атрофингизда юз бераётган воқеаларни кузатиб, мушоҳада юритинг, агар бирор нима қилишни ўйлаган бўлсангиз, қулай вазиятни кутинг. Ҳафтанинг ўртаси мақсадингизга эришишда ҳамда ҳаётингизни аста-секинлик билан ижобий томонга ўзгартириш учун қулай пайт ҳисобланади.

ЁЙ



Молиявий аҳволингизни яхшилаш учун интиласиз, сизда кўплаб гоғлар пайдо бўлади, дастлаб қай бирини рўёбга чиқариш борасида иккиланиб қоласиз. Шошма-шошарлик, ўзгарувчанлик ишларингизнинг кейинги ривожига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан эътиборан иш фаолиятингизни тартибга келтирасиз, аниқ режани белгилаб оласиз ва муваффақиятга эришасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ



Атрофингиздагилардан, ўзингиздан ҳафсалангиз пир бўлиб, кайфиятингиз тушиб кетади. Ўзгалар найрангининг қурбони бўласиз. Оилавий ҳаётингизда ҳам салбий ҳолатлар бошланади. Тушкунлик, ёлғизликка дучор бўласиз. Бироқ унутмангки, булар вақтинчалик ҳолат. Фақат диққат-эътиборлироқ бўлинг, шундагина ҳаётингизда ҳали ҳам ижобий жиҳатлар, хурсандчиликлар мавжудлигини англаб етасиз.

ҚОВҒА



Ҳуқуқий масалалар билан машғул бўлишингизга тўғри келлади. Бу жараён кўп вақтингиз ва кучингизни олиб қўяди. Лекин шундай қилмасангиз бўлмайди, чунки ишларингизни изига тушириб олишингиз лозим. Шундай қилсангиз меҳнатингиз самарасини кўра оласиз. Сабрли бўлинг, шошма-шошарликка йўл қўйманг, ақл билан иш юритинг.

БАЛИҚ



Фаол ҳаракатни бошлашдан олдин пухта ўйлаб олинг. Ҳамма нарсага бирданига эришишни хоҳлайсиз, режалар тузасиз, орзуларингизга етишиш учун ҳам жисмоний, ҳам маънавий-руҳий кучингизни сарфлайсиз. Ҳаддан ташқари тиришиб ҳаракат қилганингиз сабабли кўзланган мақсадларингизнинг барчасига эриша олмаслигингиз мумкин.